Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 67 (20. 634) • 1990 йил 20 март, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КАТТА ГУРУНГ

ЎЗБЕКИСТОН агросаноат комплекси ходимларининг анъанавий республика қурултойи қатнашчилари республика халқ хўжалигининг деҳқончилик тармоқларини ривожлантириш долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Қурултой 19 март куни Тошкентда бўлиб ўтди. Унда ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, мутахассислар, партия ва совет ходимлари қатнашдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитетининг раиси С. Ержонов, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз сабзавоткорлик бригадасининг бошлиғи А. Бердиев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов, Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Л. Маслова, Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Шербўтаев, Андижон область ижроия комитетининг раиси Б. Болтабоев, Бухоро областидаги «Нарпай» совхозининг директори Х. Зайниев, Дўстлик район агросаноат иттифоқининг раиси Х. Холбеков, Хоразм область Хонқа районидаги «Хоразм» колхозининг механизатори А. Сотимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Қўқон ўрмон хўжалигининг директори М. Хўжаев, Сурхондарё областидаги «Бойсун» совхозининг чўпони Р. Тошбоев, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Карлов, Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири А. Бердиев қатнашдилар.

Қурултойда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).



Суратда: анъанавий қурултойда.

А. ГОРОКРИК ва Р. НУРИДДИНОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 16 мартда сўзлаган нутқи

Шу кунларда Пленумда партия турмуши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан ўтган мунозарани қисқача умумлаштирмоқчиман. Мунозаранинг боришини, бу ерда айтилган танқидий мулоҳазаларни умумлаштириб, қуйидаги жиҳатларни уқтириб ўтмоқчиман.

Биринчидан. КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури хусусида. Бу ҳужжат эълон қилинган, у партия ва жамиятда муҳокама қилинмоқда. Ҳаракат дастури хусусида бу ерда айтилган гаплар ва унинг айрим қоидалари заифлиги кўрсатиб ўтилган нутқларини съездолди мунозарасининг бир қисми деб, партия съезгигача Ҳаракат дастури лойиҳасини шу пайтгача айтилган ва бундан кейин айтиладиган фикрларни ҳам эътиборга олиб, пишиқ-пухта ишлаб чиқишга ва уни съезд муҳокамасига тақдим этишга қўшилган ҳисса, деб ҳисоблайман. Ушбу мулоҳазаларни, шунингдек съезд арафасида ўтказиладиган бутун мунозара якунларини эътиборга олиб, биз, ниҳоят, ҳақиқий аҳволга мос бўлиб тушадиган ва партиянинг фаолиятига дадил истиқбол бахш этадиган ва партиянинг дастури бўлиб қоладиган ҳужжатга эга бўламиз, деб ўйлайман. КПСС ўзининг сиёсий пешқадам ролидан воз кечмаслигини ва партия ҳужжатлари орқали ўзимиз кўриб турган тараққиёт истиқболига мўлжалланган фаолият дастурини, ўз фикримизни баён этишга интилишимизни ҳисобга олганда, жамият катта аҳамиятга молик ҳужжатга эга бўлади.

Мен мунозаранинг ҳозирги қисми хусусида шундай деган бўлур эдим. Бу — биринчиси.

Иккинчидан. Устав хусусида. Менинг назаримда умуман ҳозир Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилинаётган Уставга ҳеч ким шубҳа билдиргани йўқ, у ўз мазмуни ва шакли жиҳатидан рад этилиши лозим, деган гапни ҳеч ким айтгани йўқ.

Унда яхши асос бор. Ҳозиргача режалаштириб келинган, партия ташкилотларида айтилган кўп таклифлар лойиҳага сингдирилганини кўп кишилар таъкидлаб ўтишди. Бу ердаги ўртоқлар: уни ким ёзди, муаллифи қаерда? — деб сўрадилар. Эҳтимол, қайта қуришдан аввалги сийқа фикрлар яна ишга тушгандир: яна, уни кимдир ёзгандек туюлаётгандир ва ҳоказо. Аммо мен докладда Марказий Комитет Уставнинг қанча муқобил нусхасини олганини маълум қилган эдим-ку. Шу нусхаларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг комиссияларида, Сиёсий бюрода муҳокама қилинди. Бундан ташқари партия ташкилотларининг, коммунистларнинг мулоҳазалари, таклифлари битилган кўпгина хатлар олинди. Шу сабабли, уни хоҳаки тарзда тайёрланган қандайдир идоравий ҳужжат деган мулоҳазаларга қўшилиб бўлмайди, десам ўртоқлар фикримга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Шунга қарамай, гарчи бу ерда асос мавжуд бўлса ҳам, ёзма тарзда тушган мулоҳазалар ва Пленумда Марказий Комитет аъзоларининг, биз бу ерга таклиф этган партия комитетлари секретарларининг, айниқса шаҳар ва район комитетлари секретарларининг нутқларида айтилган гаплар мана шу асосни жиддий равишда бойитиш кераклигини кўрсатиб турибди.

Мен нутқларни эшитиб ўтириб, баъзи фикрларни ёзиб олдим. Уларда, назаримда, кўзда тутиш керак бўлган бир қанча жиҳатлар айниқса кучли янгради. Мана шулар ҳақида ўйлаб кўриш керак, чамаси, бугун биз Марказий Комитет Пленумида лойиҳа устидаги ишни тўла-тўкис тугалламаймиз. Аммо бундан кейинги иш ҳақида, лойиҳа устида қандай ишлашимиз кераклиги, бу нарса Таҳрир комиссияси ёки Сиёсий бюро ўйлаб чиқарган нарса бўлмаслиги учун, акс эттириш лозим бўлган принципиал фикрларни қандай қилиб келтириб олиш тўғрисида бир тўхтамга келишимиз даркор.

Устав лойиҳаси хусусидаги мунозарани якунлаб, ҳар ҳолда бир қайси тўхтамга келганлигимизни алоҳида кўрсатиб ўтишни, мен эътибор берган мулоҳазаларни ва назаримда принципиал аҳамиятга эга бўлган мулоҳазаларни жамлашни истайман.

Аввало, ўртоқлар муқаддимани қайтадан ишлаб, унда партия ўз олдига қўяётган ва жамиятга тақдим этаётган, халқни даъват қилаётган пировард мақсадларни аниқ белгилаш кераклигини айтдилар.

Нотиқлар ғоявий негизларни аниқроқ белгилаш лозим деган фикр ҳам билдирдилар, партия мана шу негизларга таяниб ишлайдиган бўлади ва шу негизларни ҳимоя қилади. Бундай қилиш жуда муҳим, чунки гап коммунистлар кўзлаётган мақсадлар ҳақида боряпти, улар бутун жамиятга ҳам шу мақсадларни таклиф этмоқдалар.

Сўнгра, ўртоқлар партияни демократиялаш ғоялари Уставнинг ҳамма бўлимларига сингдириб юборилсин, партиянинг олий поғоналари тўғрисидаги қоидаларда шу фикр кўпроқ таъкидлансин, иттифоқдош республикалар коммунистик партияларининг ролини ошириш тўғрисидаги қоидаларда ифодалаб берилсин, деган ва шу каби фикрларни айтишди.

Бироқ энг муҳими — Уставда Ленининг партиядаги демократиялаш нималарда намоен бўлиши лозимлиги тўғрисидаги, — чунончи партиялилар оммасининг ҳокимияти (Устав орқали) унинг нормалари орқали, қарор топиши ҳақидаги фикри аниқроқ ёзилиши ва рўёбга чиқарилиши керак. Агар эътибор берган бўлсангиз, биз шундай қилишга интилдик. Коммунистларнинг таъсири шундай бўлиши керакки, улар ўзлари делегатларни сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилсинлар, бу делегатлар барча партиявий ишларга оид қарорларни ишлаб чиқадиган бўлсинлар. Лойиҳага шу нарса ёзиб қўйилган. Биз партиядаги биринчи шахсларни (барча поғоналардаги шахсларни) йиғилишларда, конференцияларда, съездларда сайлаш тўғрисидаги ғояни коммунистлардан қабул қилиб олдик. Тўғри, баъзи кишилар бу нарса мазкур шахсларни назорат остидан чиқариб юборадиган вазиятни вужудга келтирмайдими, деб шубҳа билдирдилар. Шундай шубҳа йўқ эмас, бор. Бироқ ҳар ҳолда, коммунистлар секретарлар тўғрисидаги масалани ўз йиғилишларида ёки улар округлар бўйича ёхуд бошланғич ташкилотларда сайлаган делегатлар орқали ўзлари ҳал этадиган бўлишларини талаб қилмоқдалар. Улар у ёки бу муддатда ўзларига бошчилик қиладиган кишиларни ўзлари белгилашни хоҳлайдилар. Эҳтимол, биз(агар партиялилар оммасининг ҳокимияти ғоясига амал қиладиган бўлсак), бу масалани, ҳеч бўлмаганда, муҳокама учун қолдиришимиз керак. Баъзи кишилар бу масалани шубҳа остига қўяётган бўлишларига қарамай, шундай қилиш лозим.

Ниҳоят, мен ўртоқлар, шу жумладан демократия ва интизом, демократик централизм принципларини янгича талқин этиш ғоясини қўллаб-қувватлаётган ўртоқлар ҳам ҳар ҳолда Устав лойиҳасидан «демократик централизм» тушунчаси чиқариб юборилишига рози эмасликларини сезиб турибман.

Овозлар. (Залда жонланиш).

М. С. Горбачев. Бир тўхтамга келиш керак. Янги Уставга негиз қилиб олинган ёндашувлар умуман маъқулланиши билан бирга Марказий Комитет Пленумида Уставда шу иборани сақлаб қолиш истаги борлигини кўриб турибман.

Овозлар. Ҳа.

М. С. Горбачев. Яна бир неча масалаларни кўздан кечириб чиқмоқчиман. Биз Сиёсий бюрода партияда параллел структуралар вужудга келтириш имкониятини Уставга киритиш керакми ёки йўқми эканлиги хусусида мунозара қилган эдик. Мен, бу нарса партия структурасини бузишга олиб бормаслиги керак, деб ҳисобладим ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайман. Бироқ партиявий ишнинг жуда хилма-хил шакллари мавжуд бўлиши мумкин, албатта. Биз ёзиб қўйган қоида эса амалда жуда кўп йиллардан буён ишлатиб келинмоқда. Мен Ставрополь ўлка партия ташкилотида ишлаган пайтимдаёқ секретарларнинг кенгашлари, партия ташкилотларининг истиқомат жойларида партия бирлашмалари ва шу кабилар бор эди. Шу сабабли, эҳтимол, аниқроқ таърифлаш керакдир: гап структуралар ҳақида эмас, балки ўртоқ Ружицкий айтганидек, иш шакллари ҳақида боряпти. Бу мавзуни бутунлай чиқариб ташламаслик керак, деб ўйлайман. Чунки бу партия ташкилотларига партия фаолиятини фаоллаштириш учун жуда хилма-хил ёндашувлардан фойдаланиш имконини беради. Хуллас, мен параллел структураларга йўл қўйилишига қаршиман, аммо иш шаклларининг хилма-хиллигини таъкидлаш тарафдориман.

Энди бу ерда бошланғич партия ташкилоти Устав лойиҳасида етарлича «таърифлаб» берилмаганлиги таъкидланганлигини айтиб ўтмоқчиман. Партия фаоллари билан, партия комитетларининг секретарлари билан учрашувларда ҳам шу истак билдирилган эди. Бугун ўртоқ Сивец ҳам ўзининг яхши нутқида шу ҳақда гапирди.

Биздаги Устав лойиҳасининг бир нусхасида шу ҳақда батафсил гапирилган эди. Марказий Комитетга келибкетган кўпгина секретарлар. «Сизлар Уставда яна бошланғич ташкилотга ҳамма нарсани батафсил белгилаб беряпсизлар» деган гапни айтишди. Модомики шундай қилинмаган экан, ҳаракат қилавериш имконияти берилади. Фақат принципиал сиёсий ва мафкуравий йўл-йўриқлар керак, қолган масалаларда партия ташкилоти мустақил ишлайверсин.

Шу сабабли келишиб олайлик. Биз бошланғич ташкилотнинг, коммунистнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини муфассал ёзиб қўйишимиз мумкин, албатта. Аммо бу нарса улар ҳар куни нима қилиши кераклиги хусусидаги йўл-йўриққа ўхшаб қолади, ўртоқлар. Бу эса ўзларингиз қарши чиқаётган нарса бўлади. Ҳаддан ортиқ ишларга йўл қўймаслик керак, батафсил йўл-йўриқларни ёзиб бериш йўлидан бормаслик лозим, деб ўйлайман. Бу — энг ёмон лойиҳанинг нусхаси бўлади, бироқ, эҳтимол, Уставни йўл-йўриққа айлантириб ҳам юбормаслик керак.

Назаримда, биз лойиҳага КПССдан чиқиш ҳуқуқи ҳақида ёзиб қўйилган қоида қониқарли чиқмаган.

Овозлар. Ҳа.

М. С. Горбачев. Бу — ихтиёрий ташкилот, у партиядан чиқиш ҳам ихтиёрий бўлишини назарда тутади. Бу — мантиқий гап. Коммунистлар КПССдан чиқишнинг ҳар бир фактига: «Кетсанг кетавер!» деган тарзда қарай олмасликлари эса — бошқа гап. Бундай фактлар бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилиниши керак. Буни ҳар сафар партиядан чиқариш деб таърифлаш керак, деб ўйламайман, аммо бу фақат қораланиши керак ва партия ташкилоти бундан хулоса чиқариши ва ўз қарорини қабул қилиши лозим. Агар рози бўлсангиз, партия «истаган киши кираверадиган ҳовли» бўлиб кўринмайдиган тарзда ёзиб қўйиш керак.

Ўртоқ Чурилов кўп ҳолатларни жуда яхши пайқаб олган: барча қондаларда, ҳеч бўлмаганда, Устав талабларини амалга ошириш механизми кўрсатилиши учун бир-икки жумлани қўшиш лозим, деб ўйлайман. Бир ҳолда — ҳисобот, иккинчисида — сайлаб қўйиш, учинчисида — назорат остида бўлиш ва шу тарзда ёзилган. Мана шу маънода Уставни қўшимча маънода ишлаб чиқиш керак.

Энди Уставнинг ўзи ҳақида бўлмаса ҳам, аммо у билан боғлиқ баъзи гаплар бор. XXVIII съездга тайёргарлик комиссияси ҳақида. Бизда Марказий Комитетнинг комиссияси бор, бироқ эҳтимол шундай қилармиз — КПСС Марказий Комитети ҳузурида иттифоқдош республикалар Компартияси Марказий Комитетларининг, область, ўлка, округ, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич ташкилотлар секретарларини ва ўз фикри бўлган оддий фаол коммунистларни ўз ичига оладиган комиссия тузармиз. Назаримда, бу — маслаҳат берадиган, демократик, ваколатли орган бўлур эди, партия ташкилотларидан келаётган барча хатлар ва таклифлар шу комиссия орқали ўтган бўлур эди. Шу тарика коммунистлар ҳамма хат ва таклифлар аппаратга бориб тушди ва қандайдир йўқолиб кетди, деган шубҳага бормайдиган бўладилар. Сизларнинг топширигингиз асосида Сиёсий бюро партия ташкилотларининг таклифларини эътиборга олиб, шундай комиссияни тузиши мумкин бўлур эди.

Россия хусусида. Докладда айтилган фикрларни амалга ошириш, Россия партия ташкилотларида вужудга келган жараёнларни рўёбга чиқариш, тайёргарлик ишларига йўл очиш керак. Биз бундан бўйин товлашга ҳаққимиз йўқ. Марказий Комитет бу истакни эътиборга олиб, куч-ғайратларни бирлаштириши керак. Биз коммунистларнинг мана шундай жуда катта отрядига ҳурматсизлик қила олмаймиз. Шу сабабли мен буни алоҳида масала қилиб қўйиш ва қисқача принципиал қарор қабул қилишни таклиф этиш тарафдориман.

Ниҳоят, биз ҳисобот ва сайловлар хусусида ҳужжат қабул қилишимиз лозим. Ҳисобот ва сайловларни қачон ўтказиш хусусида ҳар хил фикрлар айтилди, ярмиси ундай, ярмиси бундай деди... Ёки барибир съезддан аввал ўтказсакмикан?

Овозлар. Съездан аввал.

М. С. Горбачев. Мана мен танаффусдан қайтиб келиб, папкани очсам, телеграммалар турибди. Кўпчилик телеграммаларда буни съездан кейин қилиш керак, деган фикр айтилган. Эҳтимол, «сулаймончасича» ҳал қилармиз, маҳаллий партия ташкилотларига ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини берармиз? Охир — оқибатда қандай қилиш кераклигини улар яхшироқ биладилар. Буни Пленумда ҳал қилиш лозим.

Ниҳоят, учинчи масала. Табиийки, февраль Пленумида бўлганидек, бу Пленумда ҳам жамият ва партиянинг ўз ривожланиши ҳозирги тарихий босқичида биз қилаётган ишлардан кўпчилик қаноатланмаётганлиги сезилмоқда.

Шахсан мен бундан жуда ташвишланяпман, буни жиддий идрок этиб, ўз айбим, деб ҳисоблаяпман. Бутун жабҳа бўйлаб ҳаракат қилиш кераклигини айтган ўртоқ Ниёзовни ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Чамамда, Минск соат заводидан ўртоқ Чикин: биз «окоплардан чиқишга» тайёрмиз ва ҳатто чиқиб ҳам олдик, аммо ҳужум қилиш учун қаёққа боришни билмаяпмиз, деб айтди. Тўғри фикр. Демак, биз, Сиёсий бюро, Марказий Комитет секретариати, бутун Марказий Комитет бу ерда танқид қилинган ишлар учун масъулиятнинг анчагина қисмини ўз гарданимизга олишимиз керак.

Бир нарсани айтиб қўяй: вақтни бекор ўтказмаслик керак. Ҳозир вақтни йиллаб, ҳатто ойлаб эмас, балки ҳафталаб ҳисоблашга тўғри келяпти. Шу боисдан партияни жипслаштириш ва съездимизни яхши муҳитда ўтказиш учун енг шимариб ишлаш керак, бу съезд партиянинг ролини эътиборга олганда, унинг тақдири учун ва қайта қуриш, бутун жамият тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу ерда сўзга чиқиб, танқидий мулоҳазаларни айтган ўртоқларни ишонтириб айтмоқчиман: гарчи уларнинг гапларини эшитиш оғир бўлса ҳам, биз бу фикрларни қабул қиламиз. Қабул қилиш керак.

Бу ерда айтилган танқидий мулоҳазаларнинг анчагина қисми мунозарани, нуқтаи назарлар қиёсланишини акс эттиради, албатта. Ҳаммасини ҳам тўла-тукис қабул этиб бўлмайди. Баъзи бировлар ҳозирги даврни ёқтиришмаяпти, партия хусусида ички ва ташқи жараёнларнинг ҳозирги ривожланиши нуқтаи назаридан ўйламаяптилар. Аҳидаларга одатланганлик, онгнинг қотиб қолганлиги сезилмоқда. Биз ўзимиздаги мана шу нуқсонларни бартараф қилишимиз, олға боришимиз, биз яшаб турган даврда ҳам, биз жамиятни даъват этаётган мақсадларни ҳам ленинча принциплар асосида, диалектик тарзда идрок этиш лозим.

Бу ердаги айрим ҳолатлар съездолди мунозарасини акс эттиради. XXVIII съезднинг ўзида ҳам бу ҳақда гап бўлади, деб ўйлайман. Шундай бўлиши табиий. Ўйлайманки, биз ҳозир принципиал ғоявий позицияларда, қайта қуриш сиёсати негизида туриб жипслашишимиз керак. Агар бошланғич партия ташкилотидаги, шаҳар, область ташкилотидаги, умуман партиядаги вазият шуни талаб қилаётган бўлса, демак ажралиш жараёни давом этиши керак. Чунки биз съездга таклиф қилинган Ҳаракат дастури асосида муайян позицияларда туриб, Уставга негиз қилиб олган принциплар асосида олға боряпмиз.

Мунозара якунлари хусусида мана шуларни айтмоқчи эдим.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

АВВАЛО МУҲИМ ИШЛАР ҲАҚИДА

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Тартибни, аввало ўзимиздан бошлащимиз керак. СССР Олий Совети учинчи сессиясининг 19 март куни бўлиб ўтган палаталарнинг қўшма мажлиси муқаддимасини шундай таърифлаш мумкин. Мажлисга раислик қилувчи А. И. Лукьянов рўйхатга олиш якунларига баҳо берар экан, ҳаққоний тарзда палаталарнинг идоралардан мажлисга келмаган депутатларни қаттиқ ҳисобга олишни ҳамда бунинг сабабларини аниқлашни талаб қилди. Мажлисга етарли даражада депутатлар тўпланганлиги сабабли у очиқ деб эълон қилинади.

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари Съезди натижаларини ҳисобга олиб, сессия ишининг тартиби муҳокама қилинди. Палаталарнинг раислари сессия иш тартибининг йўналишларини тақдим этишди.

Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга афзаллик берилишини зарур, деб ҳисоблади. У аввало қуйидаги учта масала: биринчиси — янги иттифоқ шартномаси ва СССР таркибидан республикаларнинг чиқиш омиллари тўғрисидаги, иккинчиси — корхоналар ва аҳолига солиқ солиш тўғрисидаги, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик юритишнинг умумий асослари ҳамда социалистик корхона тўғрисидаги Қонун лойиҳаларини, мамлакатда хавфсизликни ва тартибни таъминлашга тааллуқли учинчи группа Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш лозимлигини айтди.

Бундан ташқари Чернобиль масаласини кўриб чиқиш муддатини яқинлаштириш таклиф қилинди.

Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов сўзга чиққан нотиқнинг таклифини қўллаб-қувватлади ва палатада айтиб ўтилган баъзи Қонун лойиҳаларига асос бўлиши мумкин бўлган дастлабки мулоҳазалар борлигини маълум қилди. У яқин вақт ичида Миллатлар Советида муҳокама қилинадиган бир неча масалалар борлигини ҳам айтиб ўтди.

Мажлис чоғида сессия мажлисларини телевидение орқали кўрсатиш масаласи баҳсларга сабаб бўлди.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорларининг қурултойи

ДЕҲҚОННИ ЕРНИНГ ҲАҚИҚИЙ СОҲИБИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

М. М. МИРҚОСИМОВ доклади

Ўртоқлар!

Биз сизлар билан анъанавий қурултойга тўпландик. Ер яхшигина дам олиб, кўпчиб қолди. Деҳқонлар янги боғ-роғлар, токзорлар барпо қилиш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш заминини яратишга, Ватанимиз ҳазинасини тўлдиришга, эл дастурхонини мўл-кўл қилишга шай бўлиб турибдилар. Бободеҳқоннинг ғайрат-шижоатига бу йилги шароит ҳам мададга келмоқда.

Шундай бўлса-да, ҳаётимизда анча-мунча мураккабликлар бор. Ҳаммамиз ҳам ҳозирча қийин дамларни бошдан кечирмоқдамиз. Мамлакатда кескинлик кучаймоқда, ҳамма муҳим масалалар юзасидан ҳар хил фикрлар, нуқтаи назарлар билдирилмоқда. Ана шундай шароитда якинда КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март (1990 й.) Пленумлари, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III съезди бўлиб ўтди. Партия ва мамлакат олдида турган кўплаб масалаларга жавоб берган бу анжуманларнинг қарорларини рўёбга чиқариш ҳаммамизнинг ҳаётни яхшилаш йўлидаги истагимиз ва интилишимизга боғлиқдир. Биз буни фақат бир йўл билан — жамиятни демократиялаш, туб иқтисодий ислоҳотлар, янги аграр сиёсат шароитида ўз ишларимизни тамомила қайта қуриш йўли билангина бажара оламиз.

Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг асосий йўналишлари партиямизнинг март (1989 й.) Пленуми томонидан белгилаб берилди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасида яна бир бор таъкидланди. Бу сиёсат замирида уч муҳим масала бор. Булар — қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўзаро муносабатларни тубдан қайта қуриш, қишлоқнинг социал қиёфасини қайта ўзгартириш ва энг аввало ер ҳақидаги масаладир. Деҳқонларни ернинг ҳақиқий соҳиби қилиш — партия аграр сиёсатининг қисқа ва лўнда моҳияти ана шундан иборатдир.

Бу вазифанинг бажарилиши айниқса бизнинг республикамиз учун жуда муҳимдир, чунки халқимизнинг ярмидан кўпи қишлоқда яшайди, тирикчилиги ҳам шундан. Одамларнинг бугунги кунда қандай аҳволда яшаётганлиги, уларнинг ўртача турмуш даражаси ўзингизга маълум. Уй-жой, озиқ-овқат, касалхоналар ва мактаблар етишмайди. Меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш катта муаммо бўлиб турибди. Экологик аҳвол кескинлиги ҳамон сақланмоқда.

Сўнгги вақтларда бу аҳволни тузатиш учун кўп ишлар қилинди, республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш борасида муайян силжишлар кўрина бошлади. Лекин ҳозирга қадар эришилган натижалар иқтисодиётдаги инқирозни бартараф этиш, иқтисодий ўсиш суръатларини кўтариш, социал кескинликни пасайтириш имконини бермаяпти.

Шу жиҳатларга кўра республикани иқтисодий ва социал қолоқликдан олиб чиқиб, аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини яхшилаб, кишиларни иш билан таъминлаб, кескин экологик муаммоларни ҳал этмоқ даркор. Ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашини қайта юзага келтириб, унинг ажойиб маданий анъаналарини тиклаб, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш — ҳаммамизнинг умумий вазифамиздир. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни халқ манфаатларига, республиканинг социал масалаларини ечишга қаратиш йўлида ҳамма имкониятларни ишлатмоқдамиз.

Саноатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпаймоқда, қишлоқ хўжалигида эса пахтанинг якка ҳокимлигига ҳотима берилди. Қисқа муддат ичида қарийб бир ярим миллион оила ўзларининг шахсий томорқа участкаларини кенгайтириб, уй-жой қуриш учун ер олдилар. Кўпгина шаҳарларни ва қишлоқларни қайта қуриб, уларни газ, водопровод билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Қишлоқларда саноат корхоналарининг шахобчалари қурилиши кенгайтирилмоқда, бир қанча зарарли цехлар ва корхоналар ёпилди ёки уларнинг ишлаб чиқариш йўналиши ўзгартирилди.

Мактаб ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиб, ҳомиладор аёлларнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаб, ветеранлар ва ногиронларга бериладиган пенсиялар ва нафақаларни кўпайтиришга бир неча ўн миллионлаб сўм маблағ ажратилди. Республикамизда давлат тили сифатида ўзбек тили қўлланмоқда, миллий маданият, анъаналар ва урф-одатлар қайта юзага келиб, янги мазмун билан бойимоқда. Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўлкамизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар ўзларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун кенг имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Бу ҳайрли тадбирлар Ўзбекистон Коммунистик партиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида баён этилган бўлиб, бизда бўлаётган қайта қуришнинг асосий моҳиятини ифодалайди ва у республика ҳукумати томонидан астойдил амалга оширила бошланди.

Ана шу муҳим тадбирлар ичида агросаноат комплекси асосий ўринни эгаллайди. Республикада халқ фаровонлигини ва унинг турмуш даражасини ошириш қишлоқ хўжалигининг ривож топишига чамбарчас боғлиқдир. Бу борада айниқса озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг асосий фикри, кучи ва ғайрати асосан шу масалани амалга оширишга қаратилган.

Бу улкан вазифаларни фақат барча қишлоқ аҳлининг баракали меҳнат қилиши ва шунга яраша турмуш кечириши учун зарур шароит яратиб, уларнинг энг биринчи талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўли билангина эришмоқ мумкин. Бу эса СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган Ер ҳақидаги Қонун асосида ҳал этилади. Эндиликда ернинг эгасиз бўлиши барҳам топди ва у мазкур территорияда яшовчи кишиларнинг мулки бўлиб қолди. Ери фақат халқ депутатлари маҳаллий Советларигина тақсимлаши мумкин. СССРнинг ҳар бир граждани ер участкаси олиш ҳуқуқига эга.

Ер деҳқоннинг абадий мулкига айланиши ва бу эгалик ҳуқуқи амалдаги Қонун билан ҳимояланишидек катта бахтни деҳқонга қайта қуриш тафаккури берганлиги сир эмас! Буни астойдил ижодий изланиш йўлига ўтган совет парламенти ато этди. Ҳеч шубҳа йўқки, унинг туб моҳиятини чин гуманизм ғоялари ва демократик платформага асосланган партиямиз яратди!

Янги Қонун кучга киргани бир неча кун бўлди. Энди халқимизнинг фаровонлиги, кундалик дастурхонининг тўкин-сочин бўлиши бизнинг ҳар биримизга боғлиқ. Лекин Ер тўғрисидаги Қонунни қўлланишда республикамизнинг ер-сув ресурсларининг ўзига хос шароитларини ва чекланганлигини ҳисобга олмоқ керак. Биз катта иш бошладик — шахсий хўжалик учун қўшимча ер ажратяпмиз. Шу йилнинг охирига қадар ҳар бир оила, айниқса қишлоқдаги оилалар томорқа участкаси билан таъминланади. Бу эса айрим оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини яхшилабгина қолмай, балки бозорни тўлдириш, иш билан банд бўлмаган кишиларга даромад топиш, уй-жой программасини рўёбга чиқармоқ имконини беради.

Бу борада, масалан, Балиқчи районида анчагина тажриба мавжуд. Лекин кўп жойларда, айниқса Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа областларда бу иш анча суст бормоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бу масалаларни ҳал этишда ҳар хил баҳоналар билан ўзларини четга олмоқдалар, сансалорликка йўл қўймоқдалар, баъзан эса суиистеъмол қилмоқдалар.

Ҳозир кишиларга кўчат, ниҳол, уруғлик, бузоқ ва паррандалар керак. Улар томорқалардан шу йилнинг ўзидаёқ самара олишмоқчи. Шу минбардан туриб яна бир бор таъкидламоқчиманки, бу социал масалагина эмас, айни вақтда сиёсий масала ҳамдир. Уни бажармаса ёки чала бажарса бўлаверади деганлар хомтама бўлмасин. Талаб аёвсиз ва қаттиқ бўлади.

Ер ҳақидаги Қонуннинг кучга кириши қишлоқни маъмурий-буйруқбозлик одатларидан халос этиш, агросаноат комплексини бошқариш системасини соддалаштириш ва демократиялаш имконини беради. Шу мақсадда Давлат агросаноат комитети тузилди ва унинг ўрнига сайлаб қўйиш асосида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети тузилди. У маъмурий орган эмас, балки республика барча агросаноат ташкилотларининг ваколатли вакиллари йиғилишининг ишчи аппаратидир. Унинг вазифаси — буйруқ бериш эмас, балки уларга хизмат кўрсатиш, энг аввало моддий-техника таъминоти бўйича ёрдам бериш, агросаноат комплексини ривожлантиришнинг истиқболлари ва асосий йўналишларини белгилаб беришдир.

Агросаноат комплексини бошқарувчи бошқа республика органларининг вазифалари ҳам анча торайди. Айни вақтда область ва айниқса район бошқарув бўғинларининг ҳуқуқлари кенгаймоқда. Барча район агросаноат бирлашмалари-бошқарув органларидан хўжалик ҳисоби асосида ишловчи ишлаб чиқариш ташкилотларига айлантирилган. Агросаноат интеграциясининг янги шакллари — агрокомбинатлар, агрофирмалар, ассоциациялар ҳамда ихтиёрий равишда барпо этилаётган бошқа ташкилотлар тузилмоқда. Қисқа қилиб айтганда колхоз ва совхозлар ўзини ўзи бошқарувчи ва ривожлантирувчи хўжаликларга айлантирилмоқда ва улар олдига катта вазифалар қўйиш имконияти туғилаяпти.

1990 йилда бу соҳанинг меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Камида 1,5 миллион тонна пахта толаси, 900 минг тонна дон, 4,4 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулоти, қарийб 1 миллион тонна сут, 370 минг тонна гўшт ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етиштириш ва давлатга сотиш мўлжалланган. Хўжасизликни бартараф этиш, интенсив технологияни жорий этиш, суғориладиган ҳар гектар ернинг, ҳар бир фермани самарасини ошириш ҳисобигагина бу марраларга эришиш мумкин.

Бу долзарб вазифани ҳал этишда узоқ вақтлар иккинчи даражали ўринга тушиб қолган дончилик муҳим ўрин эгаллайди. Ночор аҳволни тузатиш, дон етиштиришни кескин кўпайтириш ва ҳар бир хўжалик ўзини дон билан мумкин қадар кўпроқ таъминлашига эришиш керак. Бу мақсадда доннинг давлатга сотилиш ҳажми шу йилдан бошлаб ишлаб чиқаришнинг 25 фоиз даражасида белгиланган, арпа экиладиган майдонларни кенгайтириш, ламмикор ерларда дон-шудгор алмашлаб экишни ва интенсив технологияни жорий этиш тадбирлари мўлжалланган.

Бу ишда ҳар гектар ердан 50—60 центнер дон ҳосили олаётган Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз (раиси ўртоқ Ғаффоров), Ғалаба районидаги «Ленинград» (ўртоқ Усмонов), Ворошилов районидаги «ЎзССР 50 йиллиги» совхози (ўртоқ Умрзоқов), гектаридан 100 центнер маккажўхори дони етиштираётган Ленин районидаги «Социализм» совхози (ўртоқ Сиддиқов) тажрибаларини кенг қўлланиш фойдадан ҳоли бўлмас. Улар муваффақиятининг гарови — оилавий ижара ва пудратни жорий қилиш, донли экинлар ва маккажўхори етиштириш технологиясини тўғри ва унумли қўлланишдадир.

Ҳаммамиз учун ҳам долзарб вазифа — чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришдир.

Бу йил аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилишни 34 килограммгача, сутни —212 литргача, тухумни 118 донагача етказиш лозим. Бу дегани фақат гўштни ўзидан бир йилда истеъмолни ҳар бир киши ҳисобига 3 килограмм оширишдир.

Бунинг учун гўштга топшириладиган қорамолнинг ўртача вазнини 400 килограммга етказиш, жамоат секторида ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган ўртача йиллик сут миқдорини камида 2800 килограммгача, товуқлардан олинадиган тухумни йилига 200 донагача етказиш зарур. Бу бемалол бажарса бўладиган вазифа.

Сўнгги йилларда бу борада ижобий силжишлар юз берди. Моддий база анча мустаҳкамланди, урғочи мол бошидан янада оқилона фойдаланилмоқда, мол ва паррандалар маҳсулдорлиги ошмоқда. Сўнгги тўрт йил ичида колхозлар ва совхозларда гўшт ва сут етиштириш тўртдан бир баравар, тухум етиштириш қарийб 50 фоиз кўпайди.

Бу борада Олтиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз (раиси ўртоқ Тоштемиров), Коммунистик районидаги «Правда» колхози (ўртоқ Налибоев), Самарқанд районидаги «Ленинград» колхози (ўртоқ Ҳайитов), Калинин районидаги Иваново номли совхоз (ўртоқ Султонбеков) сингари илғор хўжаликларнинг тажрибасини жорий этса арзийди. Ва хўжаликлар чорва молларининг қисир қолиши ҳолларини бартараф этиб, пода бўкишни яхшилаб, сўнгги йилларда муттасил ҳар 100 бош сигир ҳисобига 95-100 тадан ва ундан ҳам кўп бузоқ олмоқдалар.

Қўйчиликка алоҳида эътибор бермоқ лозим. Ҳозир айни қўзилатиш мавсуми. Бу йил ўт-ўлан бемалол бўладиганга ўхшайди. Тажрибали чўпонларнинг тавсиясига кўра, бу йил кўпроқ қўзи қолдириб, улоқларни сақлаб қолиш имкони бўлади. Жун, айниқса, қорақўл тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш даркор.

Аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашда шахсий томорқа деҳқон ва фермер хўжаликларига катта умид боғлаяпмиз. Бу борада Бухоро области ва Қорақалпоғистон АССРнинг ижобий ишларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Бу янги усулни кенгроқ жорий қилиш учун фермерларимизга ва иш ташкилотчиларимизга мамлакатимиздаги бор тажрибани, қолаверса чет эл мамлакатларининг тажрибасини кўрсатиб, уларни унумли ишга ўргатишни кўзлаяпмиз. Бунинг учун харажатни аямаслигимиз керак, чунки натижа бўйича харажатлар тезда қопланади.

Айни вақтда шуни айтиш керакки, республика қишлоқ ҳовлиларининг учдан бир қисми ўз қорамолига эга эмас. Бу аҳволни тузатиш имкони бор, ҳар бир ҳонадон ўз сигирига ёки чорвасига эга бўлиши мумкин. Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачиликда ижара муносабатларини, фермер ва якка тартибдаги хўжаликларни янада ривожлантириш юзасидан қарор тайёрладилар ва яқинда қабул қиладилар. Қарорда кўпгина чорвачилик фермаларини тегишли озуқа базаси ва техникаси билан бирга пудратга бериш назарда тутилмоқда. Чорвани ем-хашак тайёрлаш учун ер майдонлари ажратган ҳолда шартнома асосида аҳолига сотиш ва беришни назарда тутади. Бундан ташқари, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ем-хашак билан таъминлаш юзасидан бошқа кўпгина туб чоралар белгиланган. Шу йилнинг ўзидагина бозор фондида омихта озуқа 110 минг тонна, шелуха — 67 минг тонна кўпайди. Ундан жамоат чорваси эҳтиёжлари учун фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Бу масалаларни ҳал қилиш чорвачиликнинг ем-хашак базасини яхшилашга боғлиқдир. Сўнгги вақтларда бу борада бирмунча силжишлар ва ўрнак олса арзийдиган хўжаликлар бор. Чиноз районидаги Навоий номли колхоз (раиси ўртоқ Аҳрамов), Қува районидаги «Коммунизм» (ўртоқ Шербўтаев), Балиқчи районидаги Охунбобоев номли колхоз (ўртоқ Мақсудов) ҳар бир гектар ердан 200—300 центнердан беда пичани олдилар. Шаҳрисабз районидаги Элбоев номли колхоз (ўртоқ Маҳмудов), Иштиҳон районидаги Навоий номли колхоз (ўртоқ Галибоев), Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз (ўртоқ Эргашев) 650—800 центнердан силосбоп маккажўхори етиштирдилар. Ғалаба районидаги Волков номли совхоз (ўртоқ Асилбеков), Учқўрғон районидаги «Андижон» совхози (ўртоқ Сотволдиев), Бўз районидаги Тельман номли совхоз (ўртоқ Аҳмедов) ҳар гектар ердан 1400—1800 центнердан озуқабоп илдиз мева етиштирдилар.

Бу фидойилар ишида ҳеч қандай сир йўқ. Улар ўйлаб, ишнинг кўзини билиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ғоятда муҳимлигини англаб жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Айни вақтда кўпгина хўжаликларда, айниқса Сирдарё, Бухоро областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ҳосилдорлик юқоридаги колхозлар ва совхозлардаги кўрсаткичларнинг ярмига ҳам етмайди, уларда гўшт ва сут етиштириш билан шуғулланишга иштиёқ кам. Шунинг учун чорвадан бу хўжаликлар зиён кўряптилар.

Бу хўжаликлар раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сайловолди Ҳаракат дастурида баён этилган Озиқ-овқат программасини қандай қилиб ва кимнинг ҳисобига бажаришмоқчи, деган савол туғилади. Ва ниҳоят улар давлатга гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш у ёқда турсин, ўз аҳолисини ушбу маҳсулотлар билан қандай қилиб таъминлай олишаркин? Ҳозир областлардан Тошкент шаҳрига гўшт юбориш тўхтатилди ва фақат ўзларини таъминлаш вазифасигина қолдирилди.

Картошкачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликда тиғиз вазифаларни ҳал этиш керак. 1990 йилда картошка етиштиришни 1989 йилдагига нисбатан 1,5 баравар, сабзавотни 1,7 баравар, полиз маҳсулотларини 1,8 баравар, резаворларни 1,6 баравар ва узумни 2,2 баравар кўпайтириш зарур. Бу ҳол аҳоли жон боши ҳисобига сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмол қилишни 160 килограммгача етказишни таъминлаш ёки тавсия этилган нормаларга етиб олиш, картошка, резавор ва узум бўйича эса уларга анча яқинлашиш имконини беради. Мазкур маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, ассортиментини кўпайтириш, нобудгарчиликни қисқартириш жуда муҳим. Бундай маҳсулотлар етиштиришни эртаги карам, пиёз ва кеч пишар тарвузлар ҳисобигагина эмас, балки мева-сабзавот маҳсулотларининг бошқа ҳамма турларини етиштиришни кўпайтириш ҳисобига ҳам эришиш айниқса муҳим.

Бу борадаги вазифаларни бажаришда Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» (раиси ўртоқ Убайдуллаев), Бўстонлиқ районидаги Абай номли (раиси ўртоқ Қурбонов), Самарқанд районидаги «Москва» (ўртоқ Норбоев) ва Энгельс номли (ўртоқ Меликов) колхозлар ўрнак кўрсатмоқдалар. Улар ҳар гектар ердан 370—400 центнер сабзавот олишмоқда.

Республикага четдан картошка келтириш интизоми йил сайин қўпол равишда бузилмоқда. Бунинг оқибатида 1989 йилнинг ўзидагина ажратилган фонд 56 фоизнинг бажарилди. Бундай аҳвол биздан ўзимизни ўзимиз картошка билан таъминлаш тўғрисида чуқур ўйлаб кўришни талаб қилади. Шу мақсадда ҳукумат бу хусусда махсус қарор қабул қилди. Ундаги тадбирларни амалга ошириш 1995 йилга бориб республикани картошка билан таъминлаш имконини беради. Бу борадаги ишлар суст олиб борилаётган Андижон, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари айниқса катта ишларни амалга оширишлари керак.

Боғдорчилик ва узумчиликдаги аҳвол жиддий яхшиланишга муҳтож. Уларнинг майдони секинлик билан кенгаймоқда. Боғ ва узумзорларнинг аксарияти жуда сийраклашиб кетган ва паст ҳосил бермоқда, боғлар ҳосили ҳар гектар ҳисобига 40 центнердан, узумзорларники эса 60 центнердан ошмаётир. Ҳамма боғлар ва узумзорларни тезроқ ижарага, оилавий пудратга бериш, зарур шарт-шароитлар яратиш лозим. Ахир бу усуллар ўзининг катта афзаллигини кўрсатдику, қачонгача унинг йўлида ғов бўлиб турувчиларга чидаб турамиз.

Шу кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги кенгашнинг республика аҳолисига мурожаатига мувофиқ мева ва ток кўчатлари экиш икки ойлиги қизғин бормоқда. Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сифатли кўчат етказиш билан бирга боғлар ва узумзорларни тўғри барпо этишда, уларни яхши парваришлашда хўжаликларга яқиндан ёрдам беришлари керак. Ҳар бир область ўзининг маҳаллий шароитига мослашган кўчатлар ўстириши мақсадга мувофиқдир.

Яқин вақтлар ичида айниқса шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг кенгайиши муносабати билан республикада мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари анча ошади. Биз бунга аминмиз. Бу ҳол ана шу маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва уни сақлашни кенг ривожлантиришни тақозо қилади. Бу йил республика колхозлари ва совхозларида 40 дан ортиқ янги консерва цехи, 500 та картошка, сабзавот ва мева сақлаш омборлари қуриш мўлжалланган.

Бундан ташқари, ҳукумат томонидан яқинда қабул қилинган қарорга мувофиқ шиша идишлар ва идиш-ўроғ материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Яқин вақтлар ичида матлубот кооперацияси системасининг тайёрлов ишлари ва қайта ишловчи саноат фаолияти тубдан қайта қурилади, тайёрловчининг янги мақоми белгиланади. Хуллас, маҳсулот етиштирувчи қўл ўрнида турадиган тайёрлов системасига эга бўлишга кучимиз етади ва шу бўйича қарор қабул қилдик.

Ипакчилик ҳақида икки оғир сўз. Бу йил давлатга 28 минг тонна пилла сотиш керак. Бунинг учун тутзорларни яхшилашга кўпроқ эътибор бериш, ипак қурти боқишнинг ўзини тубдан ўзгартириш, якка тартибда боқиш учун 1—1,5 қути ва бригада усулида боқиш учун 5 қутига мўлжалланган енгил типдаги арзон қуртхоналарни кенг жорий этиш лозим.

Бу йил қишлоқ хўжалигида кўпгина муҳим масалалар бор. Лекин уларнинг энг асосийси пахтачиликдир. Бу соҳадаги ноҳуш ҳолларни бартараф этиб, ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида пахта толаси етиштиришни камайтириб унинг миқдорини 1,5 миллион тонна даражасида барқарорлаштириш лозим бўлади. Лекин ҳар ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, яқин вақтлар ичида республиканинг пахтага оқилона ихтисослашувини сақлаб қолиш экономикамизнинг асосини ташкил этади.

Бизнинг пахтачиликдаги асосий вазифамиз пахта ҳосилдорлигини ҳар гектар ҳисобига 30 центнерга етказиш, бу йил 200 минг гектардан кўпроқ ерни ем-хашак ва озуқа экинларига бўшатиб бериш, хўжаликлардаги пахта майдонлари салмоғини, табиий-иқлим шароитларига қараб, 60—65 фоизгача қисқартиришдан иборатдир.

Ўтган йили бу вазифани бажаришда, қийинчилик билан бўлса ҳам, ёмон натижаларга эришганимиз йўқ. Бу қийинчилик социал кескинлик, айниқса қишлоқдаги кескинлик, жамоатчилик айрим гуруҳларининг пахтачиликка қарши кайфияти, харид нархлари даражасининг пастлиги ҳамда об-ҳавонинг ноқулай келганлиги, фавқулодда совуқ тушиб, кучли жала ва қор ёққанлиги оқибатида бир миллион гектардан кўпроқ майдондаги ғўзаларнинг нобуд бўлганлигидир. Лекин пахтакорларнинг букилмас иродаси, меҳнатни ташкил этиш юқори даражада бўлганлиги, бригадалар ва звеноларнинг пудрат ва ижара усулига ўтиши кенг авж олганлиги, колхоз ва совхозларга қисқа муддат ичида чигитни қайта экиш, аҳволни ўнглаб олиш, давлатга 5,3 миллион тонна пахта сотиш топширигини бажариш ва пахта ҳосилдорлигини ҳар гектар ер ҳисобига қарийб 27 центнерга етказиш имконини берди.

Бундай фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз, мислсиз ғайрат ва шижоатингиз учун сизларга, республикамизнинг барча меҳнаткашларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан самимий ташаккур билдиришга ва меҳнатингиздан барака топинг дейишга рухсат берасизлар.

Давлатга пахта толаси сотиш бўйича давлат буюртмасини бажаришга республикадаги қарийб ҳамма областларнинг колхоз ва совхозлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу борада Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Хоразм областлари айниқса яхши намуна кўрсатдилар.

Ана шу вазифани бажаришда Ғиждувон, Свердлов, Олтинкўл, Ўйчи, Учқўрғон, Каттақўрғон, Шўрчи, Ангор, Гагарин, Чиноз, Ўзбекистон, Фрунзе, Хонқа, Янгиариқ районларининг колхозлари ва совхозлари ҳар гектар ердан 35 центнер ва ундан ҳам кўп ҳосил олиб, республика хирмонига барака киритдилар.

Ғиждувон районидаги С. Айний номли (раиси ўртоқ Мардонов), Учқўрғон районидаги Ленин номли (ўртоқ Бозоров), Пахтачи районидаги К. Маркс номли (ўртоқ Қаландаров), Сариосиё районидаги Калинин номли (ўртоқ Бўтаев), Чиноз районидаги Охунбобоев номли (ўртоқ Умаров), Ленинград районидаги Энгельс номли (ўртоқ Эргашев), Хонқа районидаги «Победа» (ўртоқ Исмоилов), Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли (ўртоқ Оллоберганов) колхозлар ва бошқа кўпгина хўжаликлар 40 центнер ва ундан кўп пахта йиғиб-териб олиб, юксак натижаларга эришдилар.

Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан Ўроз-бой Назаров бригадаси ҳар гектар ердан 55 центнердан, Хатирчи районидаги Чкалов номли колхоздан Баҳром Ботиров бригадаси, Қарши районидаги А. Икромов номли совхоздан Эштемир Рустамов бригадаси 46 центнердан ҳосил кўтардилар. Каттақўрғон районидаги «Ленин йўли» колхозидан ижарачи Раим Носиров ҳар гектардан 50 центнердан, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан ижарачи Олтиной Жабборова эса 43 центнердан пахта олди. Биз бу ғайратли пахтакорларимиз билан фахрланамиз.

Ўртоқлар! Ўтган йили машиналар билан 2,8 миллион тонна ёки жами ҳосилнинг 53 фоизи териб олинди. Машина терими Сирдарё областида 83 фоизни, Тошкент областида 80 фоизни, Қорақалпоғистон АССРда 64 фоизни ташкил этди.

Кўпгина илғор механизаторлар 200 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар. Бундай илғорлар орасида Элликқалъа районидаги «Қирғизобод» колхозидан Қосим Уббадинов, Ромитан районидаги Энгельс номли колхоздан Тўймурод Аҳадов, Косонсой районидаги «Косон» совхозидан Салим Шаропов, Иштихон районидаги Охунбобоев номли колхоздан Юсуф Жумаев, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозидан Алишер Мирзаев, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозидан Убай Бекмирзаев, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозидан Карим Бозорбоев ва Охунбобоев номли колхоздан Соли Холмирзаев, Фрунзе районидаги «Коммунизм» совхозидан Саид Қобилов ва бошқалар бор.

Пахтага қўшимча ҳақ жорий этилганлиги пахтакорларнинг меҳнатдаги шижоатига, умуман пахтачиликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган йилги қийинчиликларга қарамай, колхозлар ва совхозлар 1988 йилдагига нисбатан 120 миллион сўм кўп даромад олдилар.

Лекин пахтакорларнинг меҳнат унумини кўтаришда ҳам жуда кўп ишлатилмаган имкониятлар ва муаммолар бор. Аввало хўжаликда кўпи билан битта, районларда эса битта-иккита селекцион навни жойлаштиришдан иборат белгиланган тартибга риоя қилиш, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш керак. Бу пахтачиликдаги энг катта муаммо бўлиб қолди. Республикада яқинда бу соҳани тубдан яхшилаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, чигит етиштириш, тайёрлаш ва сотиш бўйича хўжалик ҳисобидаги «Ўзсемхлопок» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Уруғчиликни яхши йўлга қўйилган замонавий тармоққа айлантириш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам белгиланди.

Бу тадбирлар орасида селекция ишлари айниқса катта роль ўйнаши керак. Мазкур иш билан ҳозир учта йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Союзхлопок», «Ғўза селекцияси» ва «Биолог» бирлашмалари шуғулланмоқда. Лекин ҳозирча уларнинг самараси кам. Пахтакорлар ҳозирга қадар V, IV ва I типдаги серҳосил, сифатли тола берадиган навларга эга эмаслар.

Барча ишларни, айниқса ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларини механизациялаш даражасини ошириш керак. Хўжаликларнинг ҳозирги моддий-техника базаси ҳам бунга имкон беради. Ишларнинг механизациялашгани туфайли 1 центнер пахтанинг таннархи Тошкент областида 54,4 сўмга пасайган эди, Андижон областида эса 1 центнер пахтанинг таннархи хўжаликларга 69,5 сўмга тушди. Мана қаерда резервларимиз! Бу йил илғор хўжаликлар ва районлар тажрибасига таяниб, машина терими ҳажми 3,4 миллион тоннага етказилади ёки ҳосилнинг камида 65 фоизи териб олинади.

Машина терими ҳақида гапирганда пахтакорларнинг академик Глушенко раҳбарлигидаги тармоқлараро илмий-техникавий марказ шанига билдирилаётган эътирозлари ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Бу марказ барпо этилгандан буён 3 йилдан кўп вақт ўтди. Лекин яхши пахта териш машинаси ҳали ҳам йўқ, уни яратиш тўғрисидаги ваъдалар ҳам бажарилмаяпти. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига, пахтачилик учун машиналар яратиш бўйича бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси коллективи шанига ҳам шундай эътирозлар билдирилмоқда.

Пахта тозалаш саноати олдида катта вазифалар турибди. Пахта толасининг сифати кўп жиҳатдан шу вазифаларнинг қандай бажарилишига боғлиқ. Ўтган йили улар планни бажариб истеъмолчиларга 1,6 миллион тоннадан ортиқ пахта толаси жўнатдилар.

Шундай бўлса-да, ҳали бу тармоқда камчиликлар оз эмас: Кўпгина корхоналарда, айниқса Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё областларидаги корхоналарда нормадан ортиқ куйинди чиқишига йўл қўйилмоқда. Тармоқнинг техника билан жиҳозланиш даражаси ошмаяпти, кўпчилик заводлар эски технология буйича ишлаяпти. Ўтган йил охирида республика Министрлар Совети Президиуми «Ўзхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси масалаларини махсус кўриб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилади, тармоқни раҳбарлар билан мустаҳкамлади. Бу тармоқда ишни шундай қайта қуриш керакки, токи ҳар бир колхоз ва совхоз ўзи етиштирган пахтага ўзи хўжайинлик қилсин, толани истеъмолчиларга ўзи сотсин, пахта заводлари эса бу маҳсулотни қайта ишлаш буйича уларга хизмат кўрсатсин.

Пахта тозалаш заводларининг пахтачилик хўжаликлари билан интеграциясини ривожлантириш, пировард натижалардан манфаатдорликни ошириш мақсадида республикада пахта маҳсулотлари тайёрлаш, қайта ишлаш ва жўнатиш системасини ўзгартириш тажриба қилиб кўрилмоқда. Энди ҳамма гап колхозлар ва совхозларда қолган тажрибадан ишлаб чиқаришга жорий қилишга ўтиш керак. Бу ишда қатнашувчи кўпчилик колхозлар ва совхозлар қўшимча фойда олдилар. Масалан, Ульянов районидаги 15-совхоз ўтган йили шунинг ҳисобига қарийб 770 минг сўм ёки хўжалик жами даромадининг 59 фоизини олиб, фойда планини 2,2 баравар, Хива районидаги Ленин номли колхоз тегишли равишда 530 минг сўм (27 фоиз) олиб, 1,6 баравар, Китоб районидаги 33-совхоз— 330 минг сўмдан кўпроқ (10,5 фоиз) олиб, 4,8 баравар ошириб бажарди. Бошқа мисолларга ҳожат йўқ ўртоқлар, татбиқ керак.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмасдан, прогрессив усуллар ва техника ёрдамида суғоришни жорий этмасдан туриб қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириб бўлмайди. Ўтган йили сув хўжалиги органларининг асоссиз тугатилганлиги республикада бу борадаги ишларга жиддий зарар етказди. Яхшиямки, ўз вақтида эс-ҳушимизни йиғиштириб олиб, йиллар давомида синовдан ўтган мелиорациялаш системасини вайрон қилишга хотима бердик.

Энди аҳволни тузатиш пайти келди, илгаридан суғориб келинаётган ерларнинг сифатини яхшилашга, янги ерларни ўзлаштиришга ёндашишларни тубдан ўзгартириш керак. Яқин келажакда эса ерларни ўзлаштиришни асосан лалми, контур ичидаги ерлар ва фақат белгиланган сув лимитлари доирасида ам

Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорларининг қурултойи

ДЕҲҚОННИ ЕРНИНГ ҲАҚИҚИЙ СОҲИБИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Бу йил, айниқса Қора дарё, Зарафшон ҳавзаларида, Амударё этакларида сув танқислиги кутилмоқда. Юзага келган аҳволни ҳисобга олиб, СССР Министрлар Совети республикага ёрдам тариқасида сув танқислиги оқибатларини тугатиш мақсадида қўшимча моддий-техника ресурслари ажратди. Энди сув хўжалиги министрлигига ва қурувчиларимиз енгни шимариб ишлашга тўғри келади.

Кўпгина колхоз ва совхозлар тажрибасига қарагандa республика қишлоқ хўжалиги юқори самарали бўлиши керак, шундай бўлади ҳам. Бу ҳол айни вақтда республика иқтисодиётини анча мустаҳкамлайди. Шундай бўлса-да, бу борада ҳали бирмунча камчиликлар мавжуд.

Кўпгина хўжаликларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда силжиш йўқ. Суғориладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига ялпи маҳсулот етиштириш даражаси бўйича областлар ўртасидаги тафовут 2—3 бараварга етади. Масалан, Сирдарё области колхозлари ва совхозлари ҳар 100 гектар ҳисобига 117 минг сўмлик маҳсулот етиштирса, Сурхондарё областида эса 305 минг сўмлик етиштиради. Хўжаликлар бўйича тафовут бундан ҳам катта.

Натижада 1989 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 1988 йилдагига нисбатан республикада 4,5 фоиз қисқариб кетди, хўжаликларнинг қарийб ярмининг самарадорлиги 15 фоиздан ошмаяпти, совхозларнинг олтидан бир қисми зарар кўрмоқда. Бунга сабаблар жуда кўп. Лекин қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти пахтага ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархларини ошириш билан ҳам боғлиқдир. Бу ҳол меҳнатга тўланадиган ҳақни оширишни, мелиорация ишларига ҳаражатларнинг ўрнини қоплашни ва қишлоқнинг ўткир социал муаммоларини ечишни таъминлайди. Бу масалалар сўнгги вақтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг диққат марказида турибди. Бу масалалар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети олдига қўйилган. Бу ишда халқ депутатлари аграрчилар катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар СССР халқ депутатлари II Съездида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан учрашиб, республика олдида турган долзарб масалаларни кўндаланг қилиб қўйдилар.

Ҳозирги вақтда иттифоқ органларида пилла, тамаки, каноп, парранда, сут мол гўшти харид нархларини ошириш хусусидаги республика таклифини асослаб бера олдик. Ҳозир пахтанинг нархини келишиб олиш юзасидан олиб бориладиган ишлар давом этмоқда. Пахтанинг харид нархини 1,8 баравар ошириш тўғрисидаги таклиф ҳам қабул қилинди. Бироқ пахтанинг харид нархи бизни ҳали қониқтирмайди. Пахта толасига давлат буюртмаси даражасини 70 фоизгача қисқартириш, республикадан кунжара олиб чиқиб кетилишини, пахта шелухасидан саноат эҳтиёжлари учун фойдаланишни камайтириш, пландан ташқари бутун маҳсулотни мустақил равишда чет мамлакатларга сотиш ва бошқа таклифлар қўйилмоқда. Биз бу масалаларни қатъият билан ва узил-кесил СССР Министрлар Совети олдига қўйдик ва унинг ижобий ҳал бўлишига умидвормиз, тинимсиз шу масалалар устида иш олиб боряпмиз.

Шу билан бир пайтда республика томонидан мамлакатнинг бошқа минтақаларида хом ашёни қайта ишлашдан олинадиган оборот солиғининг бир қисмини жумҳурият бюджетига ўтказиш ҳақидаги таклифни ҳам қўйдик. Масаланинг биз қўйган тарзда ҳал қилиниши биргина пахта толаси, жун, қоракўл тери, тамаки, ипак хом ашёси ҳисобидан Ўзбекистон ССР бюджетига ҳар йили қўшимча равишда 3 миллиард сўмдан кўп маблағ олиш ва жумҳуриятимиз қандайдир дотацияда эканлиги ҳақидаги кўпгина масалаларга хотима беришга имкон яратади.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ва йириклаштиришни кучайтириш керак. Кейинги йилларда деҳқончилик саноати тармоқларини қайта қуриш жараёнида бу соҳада кўп хатоларга йўл қўйилди.

Жойларда хўжаликларнинг иқтисодий зарар билан ишлашини тугатиш шиори остида бутунлай асоссиз равишда иқтисодий бақувват совхозларни ихтисослаштирилган қолоқ хўжаликлар билан бирлаштира бошладилар. Натижада пахтачилик совхозлари таркибига кирган ва илгари мустақил бўлган боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин камайтириб юбордилар. Масалан, «Пскент» совхози таркибига кирган Вахрушев номли совхозда узум ишлаб чиқариш қарийб 1,4 баравар камайди. Бу кейинги вақтларда айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё областларида юз берган ер бўйича низоларнинг сабабларидан биридир.

Мен шу боисдан ҳукуматни жуда ҳаяжонга солаётган бир муаммо устида тўхталиб ўтмоқчиман. Охирги вақтда колхозлар, совхозлар, бригадалар, қишлоқлар ўртасида ер тақсимотини қайтадан кўриб чиқиш бўйича жанжаллар кўпайиб қолди. Бир қулоч ер деб бутун умр тўй ва маъракада бирга ўтган қишлоқларнинг аҳолиси юз кўрмас даражасига бориб етмоқда.

Охирги пайтда юзлаб кишилар шу масалалар билан Тошкентга тез-тез келадиган бўлиб қолдилар. Нима, жойларда шу масалаларни ҳал қиладиган ҳукумат ёки Советлар қолмадими? Ахир ер талашиш ўрнига ҳаммамизни боқаётган момо ерга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз унинг ҳосилдорлигини ошириш ва унумли фойдаланиш эмасми? Бу муаммоларни ечиш учун ҳукумат махсус қарор қабул қилди. Қарорда ана шундай ҳолларнинг олдини олиш чоралари белгиланди. Янги колхозларни тузиш ва майдалаштириш фақат колхозчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилиб, район ижроия комитетлари томонидан, совхозлар эса — область ижроия комитетларининг қарори билан тасдиқланади, деб белгилаб қўйилди. Район ичида ердан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳамма ер масалалари район ижроия комитети, районлар ўртасида эса область ижроия комитетлари, областлар ўртасида эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар ўртасида келиб чиқадиган ер хусусидаги ва бошқа жанжалли масалаларни зудлик билан ҳал этиш учун баобрў ва элга хизмати билан танилган кишилардан ўз-ўзини бошқарув кенгашлари тузилади ҳамда уларга меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади. Қурултой қатнашчилари ҳам бу ишлардан четда турмайдилар, деган умиддамиз.

Ўртоқлар!

Янги хилдаги агросаноат ташкилотларини тузиш бўйича ишларни жиддий яхшилаш талаб қилинади. Бу ерда ҳали пала-партишлик, шошма-шошарлик, охиргача ўйламасдан иш қилиш ҳоллари кўп учрайди. Лекин бу соҳада муҳим натижалар бераётган янги ишлаб чиқариш шакллари ҳам мавжуд.

Масалан, Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхоз (директори ўртоқ Сериков) барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини кооператив асосга ўтказди ва 17 та кооператив тузди. Уларнинг ҳар бирига 5 йиллик муддатга деҳқончилик қилиш учун 250-300 гектар ер ва барча асосий воситалар берилди. Ширкат ичида яхлит оилавий ижара бўлинмалари тузилди.

Бу совхознинг маъмурий бошқарув аппаратини уч марта қисқартиришга, ўтган йили қайта экишларга қарамасдан, ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта хом ашёси олишга имкон берди. Меҳнат унумдорлиги 8,6 минг сўмни ташкил қилди. Ойлик иш ҳақи 400 сўмдан ошиб кетди. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз (ўртоқ Мадиёров) ва республикадаги бошқа бир қатор хўжаликлар ҳам шу соҳада юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Бироқ бундай хўжаликлар сони ҳали кам. Ҳозир республика колхоз ва совхозлари ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бешдан бир қисмидан камроғи ижара асосларида ишлаяпти. Бу аҳволни тўғрилаш, зарар кўриб ишлайдиган барча корхоналар ва хўжаликларни ижарага ўтказиш ишларини авж олдириш керак. Ҳукумат қарорига мувофиқ уларнинг муддати ўтиб кетган қарзлари ҳисобдан чиқариб ташланади.

Ҳозирги вақтда республика хўжаликларининг бўйнида 2,6 миллиард сўм шундай қарз бор. Аммо, кўпгина областларда, айниқса Самарқанд, Наманган, Бухоро, Сурхондарёда бу иш ҳали жонланиб кетгани йўқ. Бунинг натижасида республика бўйича фақат шу қарзларга юз миллионлаб жарима тўланмоқда. Бу масала устида бирон бир киши бош қотираяптими ўзи? Молия министрлиги ва унинг жойлардаги органларига ҳам шу саволни берсак бўлади.

Агросаноат комплексининг кейинги тараққиёти республиканинг иқтисодий мустақиллигини ошириш, унинг ташқи иқтисодий алоқаларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозир биз ишлаб чиқараётган пахта толасининг ҳар учинчи тоннаси чет элга сотилади; валютадан омилкорона фойдаланилса, бу маблағлар қишлоқда соғлиқни сақлашнинг моддий базасини анча мустаҳкамлаган, аҳолининг социал эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, пахта, пилла, боқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги корхоналарни тузиш ва қуришни жадаллаштирган бўлур эди.

Бироқ мазкур маблағларнинг эгалари, айниқса, «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узагроинторг», «Новоэкспорт» идоралари бу иш билан амалда шуғулланмаяптилар. Натижада пахта, пилла, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинаётган валюта ҳанузгача уни ишлаб топганларга, биринчи навбатда колхозлар ва совхозларга етиб бормаяпти. Бу масалаларни адолатли ҳал қилиш учун республикада Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети тузилади, у республика, аввало, қишлоқнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экспорт ва импорт қилишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Ўзаро фойдали тенг алмашув асосида регионларароо алоқаларни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам зарур. Ёқутистон АССРдаги «Якуталмаз» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузган Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг тажрибаси кенг тадбиқ қилишга арзийди.

Шартномага мувофиқ сибирликлар умумий саҳни 12 гектар бўлган теплица комбинати, 2 миллион шартли банка маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган консерва цехи, 500 тонна сиғимли холодильник қуриш, шунингдек 10 гектар ерга қулупнай ва 2 гектар ерга лимон экиш учун совхоз ҳисобига маблағ ажратдилар. Ҳар йили полиэтилен плёнка, пўлат тунука, прокат, қурилиш материаллари етказиб берилади. «Партия XXIV съезди» совхози ҳар йили етиштириладиган сабзавотлар ва ишлаб чиқарилган консерваларнинг ярмини уларга жўнатиш мажбуриятини олди. Хўжалик ажратилган маблағларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ҳисобига 2000 йилгача қайтаради.

Ленинград шаҳри ва Ленинград области билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилиши ҳам бу борада ижобий натижа беради.

Кадрларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишининг турли участкаларини бошқаришга лаёқатли раҳбар ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш, янгича иқтисодий фикрловчи мутахассисларни тарбиялаш асосий вазифамиздир. Республикада, республика агросаноат комплексини бошқариш олий мактаби ва бошқа ўқув юртлари бўлишига қарамасдан, бу иш яхши йўлга қўйилмаган. Бу аҳволни тузатиш керак. Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли (раиси ўртоқ Мадиёров), Охунбобоев номли (ўртоқ Рўзматов), Сирдарё районидаги «Ленинград» (ўртоқ Синдоров) колхозлари каби илғор хўжаликлар базасида кадрларни тайёрлашни ва қайта тайёрлашни ташкил қилса арзийди. Қишлоқ хўжалигида ишловчи раҳбар ходимларни тез-тез алмаштиришга йўл қўймаслик, уларнинг мавқеини кўтариш даркор.

Агросаноат комплексини, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий муассасаларнинг, айниқса ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг тавсияларига таяниш даркор. Аммо уларнинг фаолияти ҳозирча етарли самара берганича йўқ. Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати кўплаб масалалар бўйича илмий асосланган тавсияларга эга эмас. Айниқса бу чорвачиликни, қайта ишлашни, ижарани, агросаноат интеграциясининг янги шаклларини, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашни ривожлантиришга тегишлидир. Республика «Дефолиант» илмий марказининг иши натижалари ҳам сезилмаяпти. Бутифосни қўллаш тақиқлангандан кейин хўжаликлар ҳозиргача ғўза баргини тўкишда унинг ўрнига кам заҳарли ва самарали препарат олишгани йўқ. Республика Фанлар академияси, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ўз институтлари фаолиятини тубдан яхшилашлари, уларнинг далаларга, боғларга ва фермаларга таъсирини самарали қилмоқлари зарур.

Янги аграр сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири, республика ҳукуматининг катта ғамхўрлиги — қишлоқнинг ҳар томонлама ижтимоий аҳволини яхшилашдир. Шунинг учун қишлоқнинг социал ривожланишини жадаллаштириш, уни қайта қуришнинг қабул қилинган комплекс программасига биз алоҳида эътибор берамиз. Бу борада кўп иш қилинмоқда. Ўн иккинчи беш йилликка социал соҳани ривожлантириш учун агросаноат комплексига капитал маблағ илгаригига қараганда бир ярим баравар кўп йўлланди, уларнинг салмоғи 1986 йилдаги 28 фоиздан 1989 йилда 42 фоизга ўсди. Қишлоқда уй-жой, мактабгача болалар муассасалари, маданият объектлари, инженерлик тармоқларини ишга туширишсезилари даражада кўпайди. Туямўйин—Нукус, Туямўйин—Урганч сув етказиб бериш тармоқлари қурилишлари тугалланмоқда.

Қишлоқда ишга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги ошди, қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлик даражаси кўтарилмоқда. Беш йиллик мобайнида совхоз ишчиларининг ўртача иш ҳақи 156 сўмдан 192 сўмга ёки 1,2 баравар, колхозчиларники 130 сўмдан 150 сўмга ёки 15 фоиз ошди.

Бироқ қишлоқнинг социал ривожланиши ҳамон пастлигича қолмоқда, унинг шаҳардан тафовути амалда қамаймаяпти. Ҳозир қишлоқ турар жой фондининг атиги 25 фоизи марказий иситишга, 34 фоизи канализацияга, 8 фоизи иссиқ сув таъминотига эга.

Қишлоқда капитал қурилиш суръатларини жадаллаштириш керак. Шу муносабат билан бу йил 1989 йилга нисбатан уй-жойларни ишга туширишни 10 фоиз, мактабгача болалар муассасаларини 1,7 баравар, мактабларни 1,2 баравар, клублар ва маданият уйларини 1,1 баравар, газ тармоқларини 1,4 баравар, водопровод тармоқларини 2,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Шахсий уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишларга фақат ссуданинг ўзидан 650 миллион сўмдан кўп маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Қурилиш индустриясини ривожлантириш бўйича мақсадли программа қабул қилинди. Унда якка тартибда уй-жой қурувчиларга алоҳида эътибор берилиб, 6 миллион квадрат метр уй-жой қуриш учун қурилиш материаллари етказиб бериш долзарб вазифа қилиб қўйилди. Шу муносабат билан колхоз ва совхозларда ғишт ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи ёрдамчи корхоналар қурилишини ҳар томонлама тезлаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва уларнинг уй-жойларини газлаштириш, телефонлаштириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Мана шу мақсадларда Бекобод металлургия заводида қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу иш амалга ошса қишлоқларимизни XIII беш йиллиқда асосан газлаштириш ва водопровод системасига ўтказишга имкон яратилади.

Азиз ўртоқлар! Қишлоқнинг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири бўлган иш билан бандликка алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Ишлаб чиқилаётган «Иш билан бандлик» программасини амалга оширишни тезлаштириш зарур. Унга мувофиқ ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда саноат филиаллари ва цехлар қурилиши, кўп тармоқли район саноат комбинатлари ташкил этиш, ёрдамчи корхоналар тузиш ҳисобига 1990 йилда камида 290 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилади. Бу ишларни амалга ошириш маҳаллий Советларнинг активлигига ҳам боғлиқ бўлиб қолди.

Хотин-қизлар ва болалар шароитига алоҳида эътибор бермоқ керак. Бунинг учун хотин-қизларнинг аҳволини тубдан яхшилаш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилаётган давлат программаси доирасида қишлоқда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини ошириш, уларнинг меҳнат шароитларини ташкил этишни ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, қўл меҳнати қўлланиладиган соҳаларни кенгайтириш, қаҳрамон оналарга бериладиган пенсия миқдорини ошириш имкониятларини қидириб топиш ва бундай пенсияларни иш стажи бўлмаса ҳам тайинлаш бўйича тадбирлар қабул қилиниши лозим.

Ўртоқлар! Бир ҳафтадан кейин ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси очилади. Сессия республика сиёсий ҳаётининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисини сайлайди, Ўзбекистон ССР ҳукуматини ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларини тузади.

Республика ҳукуматининг яқин беш йилга мўлжалланган фаолияти программаси, республикани иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш бўйича ишларнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш сессияда кўриладиган асосий масалалардандир. Уларнинг амалга оширилиши республикамизда қайта қуриш ва тубдан янгиланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоғи, ҳаётимизни яхшиламоғи керак.

Лекин тўғрисини айтганда, бу ҳаммани ҳам қониқтиравермайди.

Республикада ҳали қайта қуриш муҳолифлари анчагина бор. Улар меҳнаткаш инсон, биринчи галда қишлоқ меҳнатчилари ҳисобига яшашга кўникиб қолишган. Улар бизнинг қийинчиликларимизни рўкач қилиб халқни, айниқса ёшларни қўзғатишга, адоват уруғини сочишга, сунъий равишда одамларнинг норозилигини келтириб чиқаришга, уларни миллатлараро нифоқ ва ҳуқуққа қарши ҳаракатлар сари етаклашга ва мана шу сохтакорликни пана қилиб, ўзларининг аввалги имтиёзларини сақлаб қолишга интилишмоқда.

Ўзингизга маълумки, кейинги пайтларда Тошкент областида вазият яна кескинлашди. Областнинг бир қатор районларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг республика аҳолисига Мурожаатини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ижозат берилмаган ҳар хил митинг ва намойишларни ташкил этишга йўл қўймаслик тўғрисидаги Фармонини инкор қилиб, оммавий тартибсизлик келтириб чиқарилди.

Биз республикамизда ўзларининг ғаразли манфаатлари ва иззат-талаб нафсониятларини кўзлаётган, халқни эса одамларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлиши сари етаклаётган кучлар ҳаддидан ошишлари ва устун келишларига йўл қўя олмаймиз. Кимки, зўравонликка ундаса, миллий низо оловини ёқса, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ва уларнинг ходимларини қўрқитишга ҳамда тушкунликка солиб қўйишга интилса, жамиятда душманлик ва кескинликни, хавф-хатар ва ишончсизликни кучайтирмоқчи бўлса, уларнинг ҳуқуққа қарши ҳатти-ҳаракатларини қатъийлик билан тўхтатиб қўямиз. Шу сабабли қишлоқ меҳнатчилари, республикамизнинг барча меҳнаткашлари ҳамма жойда Қонунни, демократия принципларини эҳтиёт қилишлари, кимки алғов-далғовга ундаса, можаролар, нифоқ ва душманликни келтириб чиқармоқчи бўлса, жамиятда беқарорлик туғдирмоқчи бўлганларга муносиб жавоб бермоқлари лозим.

Мўлжалланган тадбирларни амалда рўёбга чиқариш республиканинг барча кучларини жипслаштиришни, масъулиятни оширишни, хўжалик ишларининг барча даражаларида меҳнат ва ижара интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлашни талаб қилади. Бунга ҳаракатларнинг бирлиги ва мувофиқлиги, ҳар биримизнинг қайта қуришни ҳимоя қилишдаги қатъиятимиз, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва барқарорлиги асосидагина эришиш мумкин.

Фақат шундагина биз қишлоқ хўжалигида, ишларимизнинг ҳар бир жабҳасида ўзгариш яратамиз, халқимизнинг турмуш даражасини кўтара оламиз.

Мен ўзимнинг сўзимда қишлоқ хўжалигидаги ҳамма камчиликлар ва бор имкониятлар ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама тўхталиб ўтирмадим. Ўйлаймизки, бу муаммолар, қурултой қатнашчилари томонидан кўтарилган масалалар бўлажак партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, партия комитетлари конференцияларида яна чуқур роқ кўриб чиқилади ва ўз ечимини топади. Агросаноат тармоғини юксалтириш, қишлоқдаги социал аҳволни яхшилаш коммунистларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Азиз ўртоқлар!

Сизларга ва ҳаммаларингизнинг оила аъзоларингизга, ёр-биродарларингизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, севимли Ватанимиз равнақи йўлида меҳнатда янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Бу йилги хирмонингизга барака!

Муаммоларни биргаликда осойишталик ва ақл-идрок билан ҳал этайлик!

Қонунни ҳурмат қилайлик

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республикада йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари уюштириш ҳамда ўтказишни тартибга соладиган Фармони эълон қилинганига бир ой бўлди. Аммо ҳали ҳам Фармонни бузиш пайида юрган кишилар бор. Рухсат этилмаган, назорат қилишнинг иложи бўлмаган йиғинлар қандай оқибатларга олиб бораётганига мамлакатнинг турли регионларида содир бўлган воқеалар мисолида неча марталаб ишонч ҳосил қилдик. Айрим шахсларнинг ўз нафсониятларини қондириш йўлида бошқариб бўлмайдиган оммани гиж-гижлаб унга таъсир ўтказиш муддаоси ҳеч бир яхшиликка олиб келмайди. Бунинг устига, митинг деб аталган йиғинларга очиқдан-очиқ жиноий унсурлар суқулиб кирмоқдалар, уларнинг мақсади ўзгалар ҳисобидан манфаат кўриб қолишдан бошқа нарса эмас.

Рухсат этилмаган митинглар ҳар қандай йўл билан ёшлар жалб қилинаётганлиги, биз, кексаларни жуда ташвишга соляпти. Сохта даъватлар билан мурғак қалбларни, ғайриқонуний ҳаракатларга ундаш осон. Шу сабабли қонунларга оғишмай риоя этилиши зарур. Қонунларни бузган ҳар бир киши шахсан жавобгар бўлиши керак. Бироқ афсуски, қабул этилган қонунлар ҳозирча бизда унчалик кор қилмаяпти. Бу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатъий ҳаракат қилишлари даркор.

Биз, ветеранлар, ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашни ўз вазифамиз деб биламиз. Бу соҳада Тошкент шаҳрининг Куйбишев райони, Наманган области ва бошқа жойлардаги ветеранлар ташкилотлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Республиканинг ўқув юртлари ёшлар ўртасида ишлашга кексаларни тез-тез жалб қилсинлар, демоқчимиз. Уларнинг ёшларга айтадиган гаплари бор, уларга қандай таъсир қилишни биладилар. Эндигина ҳаётга қадам қўяётган ёш гражданларни пухта ўйланмаган ҳаракатлар қилишдан тийиб бориш — кексаларнинг бурчидир.

Г. СКОРОБОГАТОВ,
Ўзбекистон Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Тўғри чора

Кейинги вақтларда партия ва ҳукумат раҳбарларининг матбуот хабарлари ва телевидениедаги чиқишларида совет халқларининг аҳил оиласида миллатига қараб айирмачилик ҳоллари рўй беряпти, деган ташвишли гаплар тез-тез эшитилмоқда. Мамлакатдаги ўнлаб миллат вакилларига неча марталаб ёрдам қўлини узатган ва қийин дамларда ўзлари ҳам ёрдам олган ўзбекистонликлар рўй бераётган бундай воқеалардан жуда нафратланмоқдалар.

Партиянинг XXVII съездидан кейин қайта қуриш ва ошкоралик жараёни, салбий ҳодисалардан қутулиш жараёни бошланди. Худди шу пайтда турли-туман муттаҳамлар, сиёсатдонлар, баъзан эса жиноятчи унсурлар — турғунлик йиллари да халқ ҳисобидан ҳамёнларини тўлдириш билан овора бўлган кимсалар ҳам демократиядан фойдаланиб қолишга киришдилар. Улар ўз лавозимларидан маҳрум бўлганларидан кейин ҳам, барибир ҳалол ҳаёт кечириш йўлига ўтмадилар. Бора-бора улар ҳаддан ошиқ қаллоблик қилиш йўлига кирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республикадаги вазиятни барқарорлаштириш йўлида қабул қилган фармонини жуда ўз вақтида қўрилган тўғри чора деб ҳисоблайман.

М. АБДУЛЛАЕВ,
милиция ветерани, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг собиқ ходими.

Аҳиллик билан ишласак

Пешона тери эвазига топилган бир бурда нонни болачақанг билан тинчгина баҳам кўрганга не етсин. Бу — киши учун жуда катта бахт. Аммо, афсуски, баъзи галамислар миллатлар ўртасига нифоқ солиб, ширин турмушимизга, ёркин ҳаётимизга соя ташламоқчи бўлишаётир. Ур-йиқитлар, уйларга ўт қўйиш, бемаъни миш-мишлар, чалғитишлар йўли билан тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советининг майдонларда ва бошқа очиқ жойларда митинглар ўтказишни тартибга солувчи Фармони эълон қилинди. Хўжалигимиз ишчи хизматчилари, инженер-техник ходимлари бу Фармонни маъқуллаб кутиб олишди. Чунки биз Фарғона воқеаси ҳамма учун бир умрли сабоқ бўлсин ҳамда бундай беъманилик асрлар оша такрорланмасин, деймиз. Жумҳуриятимиз пойтахтидаги Халқлар дўстлиги саройидаги йиғилишда барча меҳнаткашларга қарата қабул қилинган Мурожаатномани тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Биз ўзимизнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз билан севимли она-Ватанимиз кучига куч, бойлигига бойлик, янада гуллаб яшнашига муносиб ҳисса қўшаверамиз. Аҳиллик билан ишласак, ақл-идрок, бардош, сабр-тоқат билан иш юритсак, ҳамиша тинч-тотувлик, оиламизда қут-барака бўлаверади.

Т. ТЕШАБОЕВ,
Охунбобоев номли совхоз ижарачи звено бошлиғи

Она қалби...

Турмуш ўртоғим марҳум Мадраҳим Солиев Улуғ Ватан уруши жангчоҳларида бир оёғидан айрилиб қайтган эди. Иккаламиз 11 нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб вояга етказдик. Уларнинг 8 нафари олий ва ўрта махсус маълумотли бўлди. Катта ўғлим Абдужалил Фарғона политехника институти доценти, фан номзоди, Аъзамжон милиция капитани, Қолган фарзандларим ҳам турли соҳаларда меҳнат қилишади.

Раҳматли эрим болаларга кўпинча уруш воқеаларидан сўзлаб берар экан: «биз қандай халқ, миллатга мансуб эканлигимиздан қатъи назар жангга ўзимизни бир ота фарзандларидай ҳис этиб кирардик. Ўқ миллат танламасди. Снаряд оёғимни чўрт узиб юборган пайтда жанчоҳда, визиллаб учаётган ўқлар остида мени кўтариб чиққан рус ҳамшираси туфайли яшаб юрибман. Ҳа, ҳаммамиз дўстлик туфайли кучлимиз, шуни унутманглар!» дер эди. Унинг ўгитлари болаларимнинг юрагидан сира чиқмайди. Олим ўғлимнинг устозлари орасида руслар ҳам кўп. Бошқалари ҳам кўпмиллатли коллективларда ишлайдилар. Ҳаммаси аҳил — иноқ. Аммо айрим бузғунчилар туфайли тиниқ сув лойқаланяпти. Ўтган йили Фарғона воқеалари вақтида Аъзамжон учун озмунча ташвиш чекмадим. У неча кунлаб уйга келмай, эл осойишталигини муҳофаза қилиш билан банд бўлди. Ҳа, халқлар дўстлиги нималарга қодир эканлигини яхши биландик. Минг афсуски, миллатлараро низонинг даҳшатини ҳам бошдан кечирдик.

Ҳозирги пайтда айрим бузғунчилар бир халқни бошқасига қайраб қўйиш, ўзаро жанжаллар чиқаришдек ниятда юришгани аён бўлиб қолди. Аммо улар огоҳ бўлсинларки, низо бошловчиларга қарши она қалби бор. Бундайлар она қарғишига дучор бўладилар. Мен фарзандларим ва невараларимнинг ур-йиқит тўполонлар иштирокчиси бўлишини истамайман. Ур-йиқит билан ҳозиргача ҳеч ким ҳеч нарсага эришмаган. Жумҳуриятимиздаги барча халқлар дўст, иноқ яшаганларидагина тараққиётимиз олга боради.

П. СОЛИЕВА,
Қаҳрамон она, Олтиариқ районидаги Жарқўрғон қишлоғи.

ИШЧИЛАРГА ЁРДАМ ПУЛИ

● Яқинда Фарғона ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти меҳнат коллективи кенгаши билан ҳамкорликда ишчиларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш мақсадида бир қатор тадбирларни тузиб чиқди.

Унга мувофиқ, шу йилдан бошлаб касаллик варақасисиз ишлаганларга жами ярим миллион сўм маблағ ажратилди. Пенсияга чиқаётган ишчиларни рағбатлантириш учун (иш стажига қараб) 3 мингдан 5 минг сўмгача, меҳнат отпускасига чиқувчи ҳар бир ишчига эса 65 сўмдан пул берилади.

Корхонада кам таъминланган оилалар ва эндигина турмуш қураётган ёшлар фаровонлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг аҳволини ўнглаш учун 230 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. Шу билан бирга овқатланиш, тиббий хизмат спорт-соғломлаштириш шахобчалари ҳамда уй-жой қуришни ривожлантиришга ҳам анча маблағ ажратилди.

Куни кеча бу борада биринчи қадам қўйилди. Эндиликда ишчилар корхонада бепул нонушта қиладиган бўлишди. Яқин вақт ичида бирлашма меҳнаткашлари учун бепул тушлик овқат ташкил этиш мўлжалланяпти.

А. ҚУТБИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи муҳбири.

«Совет Ўзбекистони» «Наврўзнома»си

АЙЁМ АРАФАСИДА

Хоразмда «Совет Ўзбекистони» газетаси дўстлари боғи ташкил этилмоқда

● Боғнинг сатҳи 35 гектар.

● Бу ерда журналистлар ва ишчи-қишлоқ мухбирларининг, кенг жамоатчиликнинг турли сайил ва учрашувлари ўтказилади.

● Боғда газета редакцияси музейи ташкил этилади.

● Азиз муштарийлар! «Совет Ўзбекистони» газетаси ҳаёти билан боғлиқ тарихий суратлар, китоблар, эсдалик дастхатлари ва ўзингизда мавжуд бошқа материалларни бизга юборсангиз боғ музейини янада бойитишга ҳисса қўшган бўлардингиз!

● Адресимиз: Хоразм область, Урганч райони, Энгельс номли колхоз. «Совет Ўзбекистони» газетаси дўстлари боғи.

Суратда: Боғбон Озод Ражабов (олд томонда) ҳамкасблари билан иш устида.

Ўтган йил апрель ойининг охирги куни эди. Тушдан кейин ҳавонинг авзойи бузилиб, совигандан совуб бораверди. Боғ бригадасининг бошлиғи Зариф Болтаевнинг ҳам тинчи бузилди. Мевали дарахтлар айни гулга кирган пайт. Агар совуқ урса, келгуси ҳосилни кутиб бўлмайди. Бу — бир йиллик меҳнат зое кетди, деган гап.

Зариф ота боғбонларни тўплади. Нима қилиш зарурлигини маслаҳатлашиб олишди.

— Имкони борича кўпроқ ишдан чиққан эски шина йиғишимиз керак, — деди у — Боғнинг ҳамма жойига қўйиб чиқамиз. Ярим тунда ёқамиз.

Боғбонлар шундай қилишди. Улар тонгга қадар ухламай, машина, трактор ғилдиракларининг ишдан чиққан шиналарини ёқиб чиқишди. Маълумки, ҳаво совугач, албатта тонгга яқин қиров тушади. Дарахт гуллари бунга бардош беролмайди. Унинг олдини фақат қалин тутун билан олиш мумкин эди.

Ўша совуқ асоратларини хоразмликлар яхши эслашади. Ўн минглаб гектар майдондаги экин-тикин, боғ-роғларни совуқ уриб кетди. Тўғри, ерда унадиган экинларни қайта экиш, ҳосил етиштириш мумкин. Бироқ боғларда буни амалга ошириб бўлмайди. Совуқ урдими, вассалом. Келгуси баҳорни кутиш керак. Кўп хўжаликларда шундай бўлди. Урганч районидаги Энгельс номли колхозининг Зариф Болтаев етакчилигидаги бригада аъзолари эса режадаги 103 ўрнига 113 тонна ҳосил етиштиришди. Бунга уларга юқорида баён қилинган ғоят оддий ва лекин самарали усул қўл келди.

Ҳа, Зариф Болтаев тажрибали боғбон. У роппа-роса ўн олти йилдан буён боғ бригадасига етакчилик қилади. Энди ишни бошлаган пайтлари атиги олти гектар майдонда ниҳоллар ўтқазилган эди. Боғбонлар йил сайин боғ саҳнини кенгайтириб боришди. У ҳозир 20 гектар майдонда ҳосил беради. Ўтган йил кузида яна 15 гектар майдонга турли хил мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ва шу тариқа «Совет Ўзбекистони» газетаси дўстларининг боғига асос солинди.

Маълумки, Хоразм вилоятида аввалги йилларда боғларни кўпайтиришга эътиборсизлик кўрсатилиб келинаётган эди. Кейинги икки-уч йилда бу йўналишдаги ишлар ижобий томонга бурилди. Қарийб ҳар бир хўжалик боғ бунёд қиляпти. Энг қувончли жиҳати шундаки, улар халқимизнинг суюкли фарзандлари номи билан аталяпти. Ўз навбатида Хоразмнинг табиий ҳалокат зонасига жойлашганлигини, ҳар бир ниҳолни ўстиришга катта куч-ғайрат сарфлаш лозимлигини унутмаслик зарур.

— Бизда ер ости сувлари жуда яқин, — дейди З. Болтаев. — Ёримиз шўр. Шу боис бирон бир ниҳолни ўтқазишдан олдин ерни танлай билиш керак. У қанча баландликда жойлашса, ер ости сувларидан йироқ бўлса, шунча яхши. Кўпинча масаланинг шу томонига эътибор берилмайди. Оқибатда сарф қилинган катта меҳнат зое кетиши мумкин.

Зариф отани ўйлантирган масалалар кўп. У биринчи навбатда боғлар кўпайишини, қишлоқлардаги ҳар бир уйда турли хилдаги ниҳоллар ўстирилишини истайди. Иккинчидан, боғларда ишлайдиган махсус машиналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини орзу қилади. Ҳозирча у ва ҳамкасблари дарахтларни парваришлаш ишларини қўлда бажаришяпти.

«Совет Ўзбекистони» газетаси дўстлари боғининг саҳни 35 гектар. У келажакда кенгайиб бориши кўзда тутилган. Наврўз куни бу ерда янги ниҳоллар ўтқазилади. Бу маросим хўжалик аъзоларининг катта сайли билан уланиб кетади. Чунки, ўша куни санъаткорларнинг театрлаштирилган томошалари кўрсатилади, сумалак пиширилади. Боғ ўртасидаги ажойиб бинода ижодкорлар уйи очилади. У ерда газетамизнинг тарихий йўли ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб ҳужжат ва суратлар қўйилган музей ташкил этилди. Ёнида редакция томонидан туҳфа қилинган китоблар асосида кутубхона бор. Яна бир катта зал «Совет Ўзбекистони» ва Хоразм вилоятининг ижодий алоқаларига бағишланди. Ундаги аксарият ҳужжат ва суратлар газетамизда турли йилларда чоп этилган. Табиийки, унда хоразмлик ижодкорларга, меҳнат кишиларига кенг ўрин берилган. Шунингдек, боғда турли хилдаги тадбир ва учрашувларни ўтказиш, дам олиш учун шарт-шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, бу боғ газетамизнинг Хоразмдаги таянч марказларидан бири, ҳамкорлик ва эзгу ишларнинг ажойиб маскани бўлиб қолади.

К. РИХСИЕВ,
М. АВЕЗОВ,
А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар Ўзбекистон «Ватан» жамиятида баҳорий янгиланиш байрами — Наврўзга бағишланган кеча бўлди.

Янгиланиш байрами

Кечада Афғонистон, Эрон, Сурия, Иордания, бошқа мамлакатларнинг Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалари — хорижда яшаётган ватандошларимизнинг фарзандлари, шунингдек, чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар Тожикистон «Пайванд» жамиятининг намояндалари қатнашдилар.

Йиғилганлар асрлар қаъридан бизга етиб келган қадимий халқ байрами қайта тикланганлигини самимий кутиб олдилар. Афғонистонлик, эронлик талабалар ўз мамлакатларида Наврўз қандай байрам қилиниши хусусида гапириб бердилар, баҳор ва эзгулик байрамига бағишланган шеърларни ўқидилар, Наврўз пайдо бўлиши билан боғлиқ афсоналар тўғрисида ҳикоя қилдилар. Кеча қатнашчилари бу ҳақиқий халқ байрами ҳамма вақт тили, миллатидан қатъи назар, кишиларни бирлаштирган дўстлик байрами бўлганлигини таъкидладилар. Наврўз кунларида жанжаллар ва аразлар унутилган, одамлар бир-бирларига яхшилик, тинчлик, тотувлик, фаровонлик тилаганлар.

Кўп мамлакатларда Қуёш календарига биноан янги йил сифатида нишонланадиган Наврўз байрами яқин вақтгача республикамизда кенг кўламда амал қилинмай келарди. Бироқ хорижий мамлакатлардаги ватандошларимизнинг фарзандлари ҳар йили Наврўз арафасида бир-бирларини байрам билан табриклаш мақсадида «Ватан» жамиятида тўпланишарди.

Наврўз шарафига ўтказилган бу галги кечани улар, айниқса, ёдда тутадиган бўлдилар — чунки ушбу кеча байрамнинг қадимий анъаналарини тиклаш муҳитида ўтди.

Ўзбекистон санъат усталари кеча қатнашчилари учун байрам концерти тайёрладилар. Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Исломова, М. Азимов ва бошқа ижрочилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

(ЎзТАГ мухбири).

Саҳнада ҳаваскорлар

Сирдарё автобус-таксомотор парки қошида ташкил этилган янги ансамблга «Наврўз» номи берилди.

Автокорхонада санъатга ихлосманд ҳайдовчилар кўп. Улар Жамолиддин Утехўжаев раҳбарлигида куй-қўшиқларни қунт билан ўрганмоқдалар. А. Исмоилов, Б. Мамаражабов, Э. Исмоилов, А. Усмонов каби ҳаваскорларнинг ижрочилиги, репертуарлари ўзига хос бўлиб, санъат мухлислари эътиборини қозонмоқда.

— «Наврўз» ансамбли аъзоларининг санъат сирларини пухта ўрганишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беряпмиз, — дейди автокорхона касаба союз комитети раиси М. Низомов. — Ҳаваскорлар махсус кийим-бош, музика асбоблари билан таъминланган.

Ансамбль Наврўз байрамига қизиқарли концерт программаси тайёрлади.

А. БЎРЛИЕВ,
Сирдарё шаҳри.

«ЗАРРИН ЯПРОҚЛАР»

Янгийўл шаҳар маданият уйи ташкил этган ҳаваскорлар ансамбли шундай деб номланади. Уй бекалари, меҳнат ветеранлари, мактаб ўқувчилари уйнинг иштирокчиларидир.

Репертуар ранг-баранг. Ўзбек қадимий қўшиқ ва рақслари ундан кенг ўрин олганлиги, айниқса қувонарлидир.

— Ансамблимиз бундан беш йил илгари ташкил топди, — дейди унинг раҳбари Карима опа Раҳмонова. — Халқимизнинг бой анъаналарини давом эттираётганлигимиздан ғоят хурсандмиз. Халқ термаларини ижро этишга алоҳида эътибор беряпмиз. Турли ёшдаги ҳаваскорлар ижроси меросимизнинг яхлит ҳолга келтирилишида алоҳида ўрин эгалламоқда. Баҳор, меҳнат, байналмилал байрам — Наврўзга алоҳида тайёргарлик кўрдик, янги қўшиқлар тайёрладик.

Суратларда: 1. Ансамбль раҳбари К. Раҳмонова (чапда) ёш иштирокчиларга ўзбек рақсини ўргатмоқда; 2. «Заррин япроқлар» қатнашчилари саҳнада.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар (ЎзТАГ).

ССР Иттифоқи прокуратурасида

СССР прокуратураси тармоқлараро «АНТ» давлат-кооператив концернидаги жиноий суиистеъмоллар тўғрисидаги жиноий ишни текширмоқда.

Илгари матбуотда хабар қилинганидек, 1989 йил декабрь ойининг охирида Новороссийск савдо портида «АНТ» номига келган ва дастлабки маълумотларга кўра, чет элга жўнатишга мўлжалланган 12 та жанговар танк ушлаб қолинган эди.

Терговда маълум бўлишича, амалдаги тартибга ва жумладан, СССР Министрлар Советининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тадбирлари тўғрисида»ги 1989 йил 17 март 203-сон қарорига хилоф равишда (шу қарорда корхоналар ва кооперативларнинг ҳарбий техникани экспорт қилиши, фондли материалларни харид қилиб, чет элга сотиши тақиқланган эди) авиация, мудофаа ва радиосаноатидаги айрим мансабдор шахслар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни бошқарувчи ташкилотлар ўзбошимчалик билан, ташқи бозорга чиқиш қоидаларини бузиб, мамлакат ичкарисида қатъий фонд асосида ажратиладиган материалларни сотиб олиш ва уларни лицензиясиз чет элга сотиш учун «АНТ» концернига алоҳида шароит яратиб берганлар.

Ўнлаб корхона ва ташкилотлар концерннинг коммерция манфаатлари гирдобига тушиб қолган. Чет эл фирмаларига жуда камчил буюмлар ва материалларни, шу жумладан стратегик аҳамиятга молик материалларни, жанговар самолётларнинг авиация моторларини сотиш ҳақида битимлар тузилган. Шу билан бирга, министрликларнинг ва СССР Министрлар Совети давлат ташқи иқтисодий комиссиясининг бир қанча раҳбар ходимлари СССР ҳукуматининг «АНТ»ни тузиш тўғрисидаги 1989 йил 30 майдаги 924-сон фармойишини кўпол равишда инкор этганлар, шу қарорда концерннинг ташқи иқтисодий битимлари иккиламчи хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиб, уларнинг эвазига халқ истеъмоли моллари импорт қилиш билан чекланган эди.

СССР ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари халқ бойлигини талон-торож қилишнинг ҳамда ҳарбий техника ва камчил материалларни чет элга сотиш юзасидан белгиланган тартибни бузишларнинг пайини қирқиш чораларини кўрдилар.

«АНТ»нинг ва унинг мамлакат турли регионларидаги кўпдан-кўп бўлимларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга экспертлар ҳамда назорат-тафтиш аппаратининг мутахассислари жалб этилган.

СССР прокуратурасининг тергов бригадасига СССР Давлат хавфсизлиги комитети билан Ички ишлар министрлигининг тажрибали терговчилари ва оператив ходимлари киритилган.

Терговда суиистеъмолларга ва жиноятқорона масъулиятсизликка дахлдор бўлган барча шахслар аниқланмоқда, давлатга етказилган зиён, шунингдек қонунийлик ва давлат интизоми жиддий равишда бузилишига олиб борган сабаб ва шароитлар фош қилинмоқда.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ЧЎЛПОН» НАШРИЁТИ

Жумҳурият матбуот комитети коллегияси «Юлдузча» нашриёти коллективи аъзолари, адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси таклифига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистонда юлдуз сўзи билан боғлиқ газета, журнал ва турли ташкилотларнинг кўплигини ҳисобга олиб, «Юлдузча» нашриёти номини «Чўлпон» деб ўзгартиришга қарор қилди.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МУСОБАҚАСИ

● «Қалдирғоч қанотидаги қўшиқлар» совет маданият жамғармаси республика бўлимининг ташаббуси билан уюштирилган концертлар туркумига шундай ном берилди. Бу концертлар СССР халқлари дўстлиги саройи концерт залининг саҳнасида ёш санъат истеъдодларининг чиқишлари билан бошланди. Мусиқачилар — ёш истеъдодлар кўрикларининг лауреатлари, аскиячилар ва қизиқчилар мусобақаларининг вакиллари ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Касби-кори артист бўлган санъаткорлардан кейин бадиий ҳаваскорлик коллективларига навбат берилади. Концертдан тушган маблағ маданият жамғармасига ўтказилади ва ёш истеъдодларни рағбатлантиришга сарфланади.

(ЎЗТАГ).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

АЭРОФЛОТ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЕТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1990 йил март ойидан бошлаб Узбекистон Граждан авиацияси бошқармаси қуйидаги йўналишлар бўйича мунтазам равишда ИЛ-76 ЮК САМОЛЕТЛАРИНИНГ ЧАРТЕР РЕЙСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ — ДЕҲЛИ — ТОШКЕНТ.
ТОШКЕНТ—РАО-АЛЬ-ХАЙМ (Бирлашган Араб амирлиги) — ТОШКЕНТ.

Рейслар ҳафтада икки марта амалга оширилади.
Ўзингизни қизиқтирган маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг — 33-50-78.
Телекс 116169 ПОЛЕТ.
Телефакс 33-18-85.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ НОЗИРЛИГИ ХАЛҚ ИЖОДИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1—2 АПРЕЛЬ СОАТ 15.00, 19.30 ДА

«АССАЛОМ НАВРЎЗ»

«ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ — КУЛГУ КОШОНАСИ» МАВЗУИДА

ҚУШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Унда жумҳуриятимизнинг АНДИЖОН, МАРҒИЛОН, ТОШКЕНТ, ҚЎҚОН вилоятларининг севимли кулги дарғалари қатнашадилар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти ҒАНИ АЪЗАМОВ.

Аскиячилар: ЖАЛОЛ МАХСУМ ЗАИНИДДИНОВ, ТУРСУНБОЙ ФАИЗИЕВ, ИУЛДОШХОН НОСИРОВ, ҒУЛОМЖОН РЎЗИБОЕВ, ОРИФ УСМОНОВ.

Қизиқчилар: МУҲАББАТХОН ТОШПУЛАТОВА, ЖУРАХОН ПУЛАТОВ, МАШРАБ НАЗАРОВ, ЗАИНОБИДДИН ЮСУПОВ, МАДАМИНЖОН ЮСУПОВ, МАМАСИДИҚ ШИРАЕВ.

Хонандалар: ҒОФИРЖОН ҚУЧҚОРОВ ва ЎРОЗАЛИ ТОШМАТОВ.

РАҚСЛАРДА:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ДИЛБАР ЮНУСОВА, НАРГИЗА ОЛИМОВА (Тошкент маликаси).
«НАФОСАТ» халқ ансамбли.
Билетлар сотилмоқда.
БОШ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби АБДУРАШИД РАҲИМОВ.
Касса соат 11.00 дан ишлайди.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27, 28 апрель соат 19.30 да

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

КОНЦЕРТИ

Программани — Ўткир Сиддиқов олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/III да **Тўмарис**, 22/III да **Аида**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Нажот истаб**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/III да **Гул ва Наврўз**, 22/III да **Анқовлар чайқови**, 23/III да **Табассум оқшоми**.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узагрострой»нинг Ташоблагрострой» бирлашмасига қарашли хўжалик ҳисобидаги механизация ва автотранспорт давлат кооператив бошқармаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 23 мартгача қуйидаги маконда қабул қилинади: 700015, Тошкент шаҳри, Лохутий кўчаси, 16«а»-уй.

Тошкентдаги уй-музейлар Бирлашган касаба уюшмаси комитети Ғафур Ғулом уй-музейининг директори О. Ғ. Аҳмедовага акаси

Улуғ Ғафурович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни жамоаси кимё факультетининг полимерлар кимёси муаммолар лабораториясининг илмий ходими, кимё фанлари номзоди Р. Ҳакимовга онаси

Норпошша ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон агитатори» журнали муҳарририяти жамоаси бош муҳаррир ўринбосари А. Шариповга онаси

Майрамхон МАМАДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Физика-математика фанлари бўлими йирик физик олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори

Улуғ Ғафурович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари институт ректори, доцент

Марат Фаттохович АҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги нозирлигининг малака ошириш ва кадрлар бўлими бошлиғи Ш. А. Авазовга отаси

Асад Аваз ўғли АВАЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04149. № 87. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12